

ЗУЛХУМОР МИРЗАЕВА

Денгизу уммон оша...

Адабий-танқидий мақолалар

Тошкент - 2010

Зулхумор Мирзаева – 1976 йил Фарғона вилояти Бешариқ тумани Ватан қишлоғида туғилган. 1994 йил Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетига қабул қилинган. Университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, мазкур факультетнинг аспирантура бўлимига ўқишга кирган. 2007 йилда “Ўзбек жаид адабиётининг Америкада ўрганилиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ёклаган. Тадқиқот Америка, Англия, Канада, Туркия, Ҳиндистон олим- таржимонлари томонидан юқори баҳоланиб, ижобий тақризлар билдирилган.

3. Мирзаева канадалик Герри Дик билан ҳамкорликда Навоийнинг “Лисонут-тайр” (“Қуш тили”) асарини инглиз тилига таржима қилиб, китобнинг иккинчи нашрини тайёрлади. Шунингдек, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”ни инглиз тилига таржима қилган. Шеърлари, илмий, адабий-танқидий мақолалари ва таржималари юртимизнинг нуфузли газета ва журналларида, Америка, Европа ва Шарқ мамлакатларининг йирик тўпламларида чоп этилган. У бир қанча халқаро грантлар соҳиби, халқаро конференциялар иштирокчиси.

Зулхумор Мирзаева ҳозирда Ўз РФА Тил ва адабиёт институти докторанти.

ҚОДИРИЙ РОМАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАЛ ТАҲЛИЛИ ВА ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ ЕТАКЧИ ТАМОЙИЛЛАР *(Америкалик олимлар изланишлари мисолида)*

XX аср ўзбек адабиёти, тарихи ва маданиятига доир тадқиқотлар олиб бораётган хорижлик олимлар — Христафор Мурфи, Эден Наби, Роберта Мария, Эдворт Олворт, Адиб Холид, Рейчел Ҳаррел, Лион Шон Абдулла Қодирий ижодий фаолиятини турли аспектларда тадқиқ этганлар.

Масалан, Эден Наби Абдулла Қодирий асарларини назарий йўналишда тадқиқ қилади. Олима диссертациясида аср бошларидаги адабий жараёнга боғлиқ ижтимоий-эстетик тушунчалар моҳияти, бадиий асар сюжети, композициясидаги умумийлик ва индивидуаллик, даврда яратилган бадиий асарларнинг жанр хусусиятлари, адабий йўналишлар, уларга таъсир этган муҳим омиллар, романчиликнинг асосий хусусиятлари, унинг тарихий илдизлари, реалистик методнинг ички имкониятлари ва йўналишлари, ёзувчи услуби, бадиий маҳорати каби масалалар А. Қодирий, С.Айний, А.Фитрат ва бошқа ёзувчи –шоирларнинг бадиий асарлари мисолида таҳлил қилинади.¹

Роберта Мария эса Марказий Осиё, хусусан Туркистондаги миллий тикланишда санъатнинг ўрни, жамият ва бадиий адабиёт ўртасидаги муносабат, ватанпарварлик, миллатпарварлик ғояларининг ривожланиш босқичларини муайян даврдаги адабий жанрлар, бадиий образлар ва уларга юклатилган маъно, моҳият, мазмун асосида белгилаб, бу борадаги назарий фикрларини ўзбек адабиёти материаллари, жумладан Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи асосида тадқиқ этган.² Америка олимлари изланишларидаги муайян бадиий асарнинг ижтимоий – ғоявий синкретик тадқиқи, миллат тушунчасини оила воситасида англаш, идрок этиш анъанаси Роберта Мария тадқиқотларига ҳам хос. Унинг таъкидлашича, XX аср ўзбек адабиёти

¹. Naby E. Transitional Central Asian Literature: Tajic and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932.-Columbia University.1975. 240 p.

². Micallef Roberta Maria. The Role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction : The Case of Uzbekistan. – University of Texas, 1997. - pp.31-40.

вакиллари, шунингдек, А. Қодирий ҳам ўз бадиий –ғоявий мақсадларини амалга оширишда оилавий – маиший сахналардан кенг фойдаланган.

Х.Мурфи Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини монографик планда ўрганган ягона Америка олими. Унинг 1980 йилданоқ “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларини ўзбек адабиётшунослигида деярли қўлланилмаган, кейинги йилларда оммалашиб бораётган структурал таҳлил методи асосида тадқиқ этганлиги ҳақида Х. Исматуллаев¹, Б. Каримов² ва мазкур мақола муаллифи³ изланишларида қайд этилган. Аммо уларда структурал усулнинг Мюрфи тадқиқотида қандай акс этганлиги, бошқа тадқиқотлардан фарқли жиҳатлари, муаллиф асарларининг структурал таҳлил воситасида талқин этилишининг асосий сабаблари, аҳамияти, Абдулла Қодирий ижодини ўрганишда олим методи ва методологиясидаги индивидуал ёндашувлар, тадқиқотнинг асосий вазифаси ва қиймати ҳақидаги талқинларга маълум сабаблар асосида атрофлича тўхталилмаган.

Мазкур мақолада қайд этилган айрим масалаларга эътибор қаратамиз.

Х.Мурфи А.Қодирий романларини машҳур назариячи олимлар Жонотан Куллер⁴, Мария Карти⁵ методлари асосида, янгича услубда ўрганган ва куйидаги масалалар тадқиқини вазифа қилиб қўйган:

Биринчидан, Алишер Навоий дostonлари (“Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”), халқ оғзаки ижоди намуналари (“Алпомиш”, “Кунтуғмиш”) ва Қодирий романлари (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”) даги ҳикоя қурилишининг тасвир ва қиёсидаги анъаналар тадқиқи; бунда Қодирий романларидаги бадиий элементларнинг халқ оғзаки ижоди ва

¹. Исматуллаев Х. Абдулла Қодирий абадияти// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1994.-14 октябрь, 11 ноябрь;

². Каримов Б. XX аср адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Фил.фан.док.дисс.- Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2002.- Б. 255-284; Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. “Фан”, 2006.- 211-214 б.

³. Мирзаева З. Ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Фил.фан.ном.дисс.- Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2007. 140 б.

⁴.Culler Jonathan. Defining Narrative Units. In Structure and Style in Literature. Ed. Roger Fowler. Cornell University Press, Ithaca, New York, 1975; Structuralist Poetics. Structuralism, Linguistics, and Study of Literature. Cornell University Press, Ithaca, New York, 1974;

⁵. Corti Maria. An introduction to Semiotics. Bloomington: Indiana University Press, 1978

мумтоз асарларга боғлиқлигининг дастлабки омиллари қиёсий, аналогик¹ ва структурал таҳлил методлари воситасида ўрганилади. Олим ушбу боғлиқликнинг асосий сабабларидан бири ёзувчи романлари (асосан “Ўткан кунлар”) нинг китобхон эҳтиёжи асосида юзага келганлигида деб билади ва буни қайд этилган усуллар асосида исботлашга ҳаракат қилади.²

иккинчидан, ҳикоя структураси компонентлари ва унинг ҳикоядаги ўзаро муносабатларини, «Ўткан кунлар», “Меҳробдан чаён” романларидаги нореал воқелик (олим Отабекнинг ўз уйидаги бахтсизлиги ва Отабекка бегона бўлган Мирзакарим кутидор хонадонидаги бахтини, муаллифнинг салбий образ концепцияси акс этган Ҳомид ва унинг шериклари амалга ошириши мумкин бўлган қотилликни нореал ҳодиса сифатида қабул қилиб, уни англашнинг иккинчи даражаси³ орқали идрок этиш мумкинлигини таъкидлайди) ни тушуниш категориялари⁴ воситасида тадқиқ этилиши; бунда энг аввало ҳикоя шакли, структураси, сўнг ҳикоя қурилишига китобхон муносабати ва воқеликнинг ўқувчи тасаввурида қандай акс этганлиги ўрганилади. Америкалик қодирийшунос Ж. Куллер назарияси асосида “Ўткан кунлар” даги характерларни *ижтимоий жиҳатдан жамият нуқтаи назаридан мусбат (яхши) аммо бадиий жиҳатдан манфий (ёмон)*, ёки аксинча *бадиий жиҳатдан мусбат (яхши) социал жиҳатдан манфий (ёмон)* образларга тасниф қилади. Юсуфбек Хожи, унинг рафиқаси Ўзбек ойим Отабек ва Кумуш муҳаббатига хайрихоҳ бўлиши мумкин бўлган аммо унинг завол топишига сабабчи Ҳомид ҳамда ҳамтовоқлари – Содик, Жаннат гуруҳига киритиши мумкин деган фикрни айтади аммо китобхон нуқтаи назарида ота - она ўз фарзандига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди, демак

¹ Аналогия усули, аналогияга –ўхшатишга, қиёслашга асосланган метод

² Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University, 1980.

³ реал бўлмаган воқеликни махсус тасаввур орқали тушуниш

⁴ Жонотан Куллер бадиий асарни тушунишнинг беш категориясини яратган.

бу хилдаги образларни жамият тушунчаси асосида “ёмон одам” (ёки “салбий образ”) лар каторига киритиб бўлмайди.¹

учинчидан, ҳикоя қурилишидаги ташқи шакл ва бадиий элементлар – мавзу, символ, сюжет ва характернинг бир мақсадга йўналтириш анъанаси контекста текширилади; анъанавий ҳикоячилик структурасига қўшилган, одатий сюжет бирлигидан ташқарида жойлашган янги элемент– эпилогга романнинг ижтимоий табиати билан боғлиқ китобхонинг эстетик тушунчасини қўзғатишга хизмат қиладиган, муаллифнинг ғоявий мақсадни, унинг ижтимоий муаммога мурожаатини қатъий асословчи метод сифатида қараш ва буни структурал таҳлил воситасида исботлаш. Образларнинг символик табиатида акс этган ижтимоий – ғоявий мақсадни Куллер тадқиқотларидаги² эмпирик метод (маълум воқеликни амалий фаолият орқали идрок этиш) воситасида тушуниш;

тўртинчидан, биополяр зиддиятлар назарияси асосида “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида бир – бирига зид жойлаштирилган концепциялар кузатуви. (образларга танланган исмларда акс этган зиддиятли тушунчалар, бурчдаги конфликт, қобил ва ноқобиллик ўртасидаги, муносабатлар тадқиқи). Бунда Х.Мурфи тасвирий воситалар тадқиқи орқали конфликтларда акс этган яширин мантиқни тафтиш этишга ҳаракат қилади. Муаллифнинг ижтимоий – ғоявий мақсади яширинган, умумлаштирилган кучли илмий хулосаларни келтириб чиқаришга сабаб бўлган символик образлар моҳиятини ўрганиш муаллиф изланишларидаги бош масалалардан биридир. Олим бадиий асар билан боғлиқ бўлган рамзий ифодаларни очиш билан романнинг миллат қурилишида асосий “ижтимоий актёр” сифатидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади.

¹. Murphy. Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University, 1980.- P. 131.

². Jonathan Culler. The Literary in Theory. Stanford University, Stanford, California, 2007.

Жонотан Куллер нуқтаи назарида “символ” кўп ҳолларда антитетезага асосланади.¹ Христафор Мурфи Абдулла Қодирий романларидаги образларнинг исмларидан келиб чиқадиган мазмун асосида ҳам асарнинг ички моҳиятини англаш мумкинлигини қайд этади. Шунингдек, образга танланган исмларда характернинг индивидуал хусусиятларини тез суръатда, пинҳона ошкор қила олиши мумкинлигини таъкидлаб, Ж.Куллернинг биополяр зиддиятлар назарияси асосида қизиқарли кузатишлар олиб боради. Олимнинг таъкидлашича, «Ўткан кунлар» романидаги Жаннат ва унинг ўғли Содиқ образларига танланган исмлар уларнинг символик табиатига нисбатан контраст қўйилади, бу эса китобхоннинг турли хил йўллар воситасида бадиий асар замиридаги яширин мантиқни топишда индивидуал аҳамият касб этади.²

Кўринадики, Х.Мурфи бу характердаги концепцияда образларнинг романлардаги семиотик элемент сифатидаги ўрнига алоҳида урғу беради. Дарҳақиқат, “Жаннат”, “Содиқ” каби исмларнинг маъноси мусулмон дунёсида ижобий характерга эга эканлиги ва уларнинг бадиий асардаги функцияси билан боғлиқ зидланиш муаллифнинг улар ҳақидаги фикрларини тўғри англаш имконини беради. Тадқиқотдаги “Отабек” исмининг генезиси ва унинг символик табиатидаги биополяр зиддият билан боғлиқ фикрлар ҳам эътиборга молик. Олимнинг маълум қилишича Отабек тарихий аҳамиятга эга бўлган исмлардан бири. Салжуқийлар давридан бошлаб ёш шахзодаларнинг устози, маслаҳатчиси ёки иш юритувчи “отабек” деб номланган. Қўқон хонлигида бу атама “оталиқ” деб ўзгартирилган. Бу нисбат фақат эркаклар учун берилган бўлиб, донолик, ақлилик ва фаросатлилиikka ишора. Аммо Отабекнинг муаммолар гирдобида қолиши ва унинг ечимини топа олмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар унга танланган исм моҳиятига, унинг символик

¹ Jonothan Culler. Structuralist Poetics . Ithaca, New York: Cornell University Press, 1974.- P. 225.

² Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University, P. 57.

табиатига зид.¹ Америкалик олимнинг ушбу талқинидан бадиий асарда акс этган элементларни ягона мақсадга бирлаштиришда муаллиф маҳорати, кутблардаги зиддиятнинг яна бир ўзига хос шакли маълум бўлади. Аммо иккинчи бир жиҳатдан Отабек образи билан боғлиқ ўзбек адабиётшунослигидаги талқинлар Америка олими қарашларига жиддий эътироз уйғотиши табиий.

Америкалик олим “Ўткан кунлар” романидаги Мирзакарим, Офтоб ойим, Ўзбек ойим образлари исмларидаги рамзий маънолар хусусида ҳам кизиқарли мулоҳаза билдирган.

Умуман олганда XX аср ўзбек адабиётининг бошқа намуналари жумладан М.Бехбудийнинг “Падаркуш” драмасидаги (Тангрикул, Давлат, Тошмурод), Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романидаги (Амир) образларда акс этган исмларнинг **биополяр зиддиятлар назарияси** асосидаги таҳлилларда 100 йиллик миллий адабиётимиз намуналарида образлар исмларининг зидлантриш концепцияси мавжудлиги ва бу муайян анъана сифатида давом этганлиги кузатилади.

Х.Мурфининг таъкидлашича “Ўткан кунлар” да акс этган кўп тармоқли зиддиятлар тасвири роман сюжетининг энг муҳим, китобхон эътиборини ушлаб турадиган “энигматик” (жумбоқли) тасвир турига киради.² Устоз Матёқуб Қўшжонов ҳам “Ўткан кунлар” да воқеаларнинг сирли баён қилиниши билан боғлиқ жиҳатларни махсус тадқиқ қилган. Романнинг дастлабки бўлими (“Отабек ошиқ”) да қаҳрамонлар психологиясидаги ўзгаришлар, улардаги зиддиятли ҳисларнинг сирли баён қилинишида ёзувчининг ўзига хос услубга эга эканлигини аниқ мисоллар билан далиллаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки ўзбек олими Х.Мурфидан фарқли конфликтларга сабаб бўлган энг йирик объект ва субъектларга, романнинг

¹ Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literaty Traditions: Washington University, 1980.

². Шу манба Б. Р. 130.

фақат асосий устунлари ўртасидаги зиддиятларга эътибор қаратади.¹ Аммо ўзбек ва америкалик олимларнинг Қодирий романлари ва халқ оғзаки ижоди анъаналарининг қиёсий таҳлилларида бир-бирига жуда яқин аналогик тадқиқот методини қўриш мумкин.

Америка олими романда акс этган конфликт турларини тасниф қилади. Унинг фикрича Отабек бурчи билан боғлиқ зиддиятлар бадиий асардаги етакчи ғояни ифодалашда энг муҳим таянч вазифасини бажариши билан бирга А. Қодирий қўллаган конфликтларнинг энг яхши намунаси. Бурчдаги конфликтнинг бу жиҳатлари ушбу романтик севгини жамият томонидан қабул қилиш кучини енгиллаштиради.²

Дарҳақиқат асар воқеаларини кузатганимизда Отабек бурч билан боғлиқ конфликтларнинг марказида намоён бўлади.

Отабекнинг ота она олдидаги бурчи

Отабекнинг Кумуш олдидаги бурчи

Отабекнинг Зайнаб олдидаги бурчи

Отабекнинг Ватан олдидаги бурчи

Отабекнинг- қайнона ва қайнота олдидаги бурчи

Мурфи тадқиқотларидан Отабекдаги бурч категориясининг бадиий асар структурасидаги ўрни марказий элеменет даражасига кўтариляпти. Чиндан ҳам Отабекнинг объектлар (ота – она, маъшук, жуфти ҳалол, Ватан, қайнона ва қайнота) олдидаги бурчи ва бу бурчлар ўртасидаги конфликтлар фожиага айланди. Отабек эса бу фожиаларнинг ечимини топа олмайди. “Айнан Отабекнинг муқобил ва номуқобиллик қутбида алмашиб туриши билан боғлиқ ҳаракатларидаги биополяр зиддият романдаги улкан муҳаббат шиддатини очиб берган”

Христафор Мурфи “Ўткан кунлар” даги зиддиятларнинг оддий деталлар воситасида ифодаланиши, конфликтлар ривож, уларнинг бир майдондан

¹. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги: - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.- 136. б.

². Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University, 1980.- P.129.

кейинги майдонга ҳаракатланишига сабаб бўлган муҳим омиллар, бош образларнинг бахтли ва бахтсизлигидаги бир – бирига зид тушунчалар моҳияти, унга бевосита боғлиқ воқеалар, бу боғлиқликнинг энг асосий нуқтаси бўлган бурчдаги конфликтлар тадқиқига эътибор қаратади. Халқ оғзаки ижоди намуналаридаги биополяр зиддиятлар анъанавий методининг Қодирий романларидаги инъикоси, конфликтларнинг янги шакллари, унинг бадиий тасвиридаги ўзига хос муаллиф услуби, янги ижодий методи тадқиқ этилади. Америкалик олимнинг фикрича анъанавий ҳикоячилик (халқ оғзаки ижоди намуналари) да конфликтлар ривож кўринмайди, бунинг асосий сабаби муайян воқеликнинг идеал манзарасини кўрсатишдан иборат. Қодирий эса “Ўткан кунлар” романида реал воқелик ифодасини биринчи планга қўяди. Конфликтларнинг кўп тармоқлилиги воқелик ва образларни реаллаштириш билан боғлиқ бўлган. Фарҳод ва Тоҳир эса идеал ошиқлардир.¹

Х.Мурфи романнинг ҳар бир қисмидаги китобхон қабул қиладиган ва қабул қилмайдиган воқеаларни системалаштириш орқали структурага солади.² Ўқувчи қабул қиладиган воқеалар қийматини мусбат - бирлашиш (Union), қабул қилмайдиган воқеалар манфий (Seperation) шаклида таснифлайди.

Масалан:

- Отабек ошиқ, Хасанали тўйни тезлаштирадиган шахс: бирлашиш - (Union) мусбат, китобхон қабул қиладиган воқелик

- Хомиднинг ёлғон хабарлари сабаб Отабекнинг қамоққа олиниши: ажралиш - (Seperation) манфий, китобхон қабул қилмайдиган воқелик

- Ўзбек ойимнинг Отабекни иккинчи бор уйлантириш режаси ва унинг Отабек томонидан қабул қилиниши: ажралиш- (Seperation) манфий, китобхон қабул қилмайдиган воқелик

¹. Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University, 1980.- p.132.

². Шу манба. Р. 124.

-Отабекнинг Кумуш олдига қайтиши ва ота онасини ташлаб кетишга қарор қилиши: бирлашиш- (Union) мусбат, китобхон қабул қиладиган воқелик

- Ҳомид томонидан уюштирилган иккинчи ёлғон мактуб: ажралиш (Seperation) манфий, китобхон қабул қилмайдиган воқелик

Америкалик олим “Ўткан кунлар” романидаги бошқа воқеаларни ҳам мана шундай шаклда таснифлайди.

Ғарб структуралистлари ва структурал метод асосида тадқиқот олиб бораётган ўзбек адабиётининг Америкадаги тадқиқотчилари бадиий асарни тадқиқ этишда қуйидаги аспектлар ва методлар асосига суянади.

1. Ҳикоянинг шаклий қурилиши.
2. Миллий ва жаҳон романчилигининг ўзига хос бадиий, ижтимоий – сиёсий критериялари.
3. Воқеаларнинг энigmatик тасвир воситасида ифодаланишида ёзувчининг ўзига хос тасвир усули.
4. Бадиий асарда акс этган кўп маъноли воқеликка ўқувчининг муносабати ва китобхон талқини.
5. Бош қаҳрамонлар эволюцияси. Бадиий асарда иштирок этган характерлар ҳаётида юз берган муайян ўзгаришлар, образнинг асар боши ва охиридаги ҳолатлари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларнинг аналогик тадқиқи.
6. Бадиий асар қурилишида азалдан мавжуд бўлган ташқи моҳиятни тадқиқ этиш баробарида бадиий асарнинг ички структурасидаги янги, қутилмаган маъноларни семологик тадқиқот методи воситасида тадқиқ этиш.
7. Турли хил семиотик аъаналар ва ундаги маъно ишлаб чиқарувчи механизмларнинг аналитик таҳлили.
8. Асар поэтикаси, унда акс этган бадиий санъатлар тадқиқида лингвистик методнинг аҳамияти ва бунга марказий мавзу сифатида қараш.

Х. Мурфи Қодирий романларини тадқиқ қилишда нима учун асосан структурал методдан фойдаланди, бунинг асосий сабаблари нималардан

иборат? Қодирий романларини бошқа методлар воситасида ҳам тадқиқ қилиш мумкин эдику.?

Структурализмнинг асосий хусусиятлари ва имкониятлари, шунингдек, олим тадқиқотидаги айрим илмий - назарий қарашлар, хулосалар асосида буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

-“Ўткан кунлар” ва халқ оғзаки ижоди намуналаридаги ўхшаш шаклларнинг китобхон эҳтиёжидан келиб чиққанлигини асослашда энг қулай тадқиқот усули сифатида қараш;

-80 йилларда Америка ўзбекшунослари изланишларидаги асосий мақсадли мафкуравий йўналишдан фарқли бадий асарга, матнга холис ёндашиш имконини бериш;

-туркий адабиётлар билан боғлиқ тадқиқотларнинг барчасида филологик ёндашув мавжудлигига асосланиб, шаклни тадқиқ этиш воситасида тушуниш ва англашни енгиллаштириш, бадий асарни мутахассис бўлмаганлар томонидан ҳам осонгина қабул қилинишини таъминлаш;

-Владимир Пропп назариясига кўра икки ҳикоядаги умумий, туташ хусусиятлар бир хил вазифани бажариши ва бажармаслиги ҳам мумкин. Шу жиҳатдан халқ оғзаки ижоди намуналари ва Қодирийнинг тарихий романлари структуралари ўртасидаги боғлиқлик ва уларни турли хил функциялар намунаси сифатида тадқиқ қилишда структурал методга энг яхши тадқиқот усули сифатида қараш;

-“Ўткан кунлар” романи дастлабки аниқланмаган (тадқиқ этилмаган) услубда ёзилгандек тасаввур уйғотиши ва “уни роман деб қабул қилиб бўлмаслиги”.¹

¹. Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University, 1980.- p. 5.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида Абдуғофур Расулов¹, Ҳамидулла Болтабоев², Сувон Мелиев³, Қўрдош Қахрамонов⁴ Ислон Ёкубов⁵ каби олимларнинг структурал таҳлил усули, унинг моҳияти, поэтик имкониятлари, мазкур методнинг ўзбек адабиёти материаллари тадқиқидаги ўзига хос тамойилларга бағишланган мақолалари эълон қилинди. Аммо мазкур йўналишдаги тадқиқотлар хронологиясидан америкалик кодирийшунос Христафор Мурфи ўзбек адабиётшунослигида “Ўткан кунлар” романининг илк структурал тадқиқотчиси деган хулосага келиш мумкин.

Америка олимларининг А.Қодирий ижоди билан боғлиқ тадқиқотларидаги умумий жиҳат бадиий асарларни тарихийлик мезонларига суяниб, қиёсий усул асосида тадқиқ этиб, муайян воқеликни образли сўз ёки рамзийлаштирилган фикрга ёндош таҳлил қилиши, жамиятни ислоҳ этишда маърифат, таълим, дин, маданият ва ёшларнинг ўрни масаласи, озодликка эришиш йўллари излаш, муайян даврда яратилган асарларни бадиий – ғоявий ва сиёсий – ижтимоий мезонларга уйғунлашиб кетиши билан белгиланади. Улар муаллиф асарларини рамзий нуқтаи назардан тадқиқ қилишга ҳаракат қиладилар ва асардаги символлаштирилган образлар хусусида кенг тўхталади. Муаллиф яратган ҳар бир эпизод, кўриниш, лавҳа, образни муаллиф давридаги мавжуд ижтимоий - ғоявий воқеаларга боғлаб фикр юритади. Бундай кузатишлар бир жиҳатдан А. Қодирий ижодидаги янги ижтимоий қиёфаларнинг акс этишини таъминласа, иккинчи бир томондан бадиий асар зоҳиридаги ҳаққоний тушунчалар мантиғини қиёсий ўрганишда ўзига хос ўрин тутди. Бадиий асар таҳлилида рус адабиётшуноси Н.Ф. Бельчиков таъкид этган энг муҳим талаблардан бири –

¹. А. Расулов. Бадиийлик – безавол янгилик. Тошкент, 2007.

². Ҳамидулла Болтабоев. Теранлик. (Адабиётимиз фаҳри.) Тошкент, 2007. 202-214 бетлар.

³. Мелиев С. Структурализм ва структурал таҳлил ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 2-сон, 12-20 бетлар.

⁴. Қурдош Қахрамонов. Адабий танқидда структурал метод талқини. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 5-сон, 34-38 бетлар.

⁵. Ислон Ёкубов. Структурал поэтика имкониятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 3-сон, 3-12 бетлар.

хар қандай ижод намунасини библиографик, текстологик ва манбашунослик нуқтаи – назаридан бошлаб тадқиқ этиш¹ тамойили айниқса Х.Мурфи, Р.Мария тадқиқотларида Қодирий ижоди меросига боғлиқ ҳолда акс этган. Бундай усул санъат асари табиатини мукаммал, изчил, кенг қамровли ҳолда очиб бериш билан бирга асар таҳлиliga йўналтирилган ягона мақсадли жараёни юзага келтиради. Шу жиҳатдан, бадиий асаргани таҳлил этишдаги бундай йўналишлар Э.Олворт, Х. Мурфи, Р.Мария тадқиқотларидаги етакчи тамойилларни оқлайди.

Инглиззабон олимлар изланишларида бадиий асар қамровидаги тугал тушунчалар ёки асарнинг четлаб ўтилган нуқталаридаги реал фикрларнинг аниқ таҳлили турли хил тамойиллар асосида тадқиқ қилиниши кузатилади.

АБДУРАУФ ФИТРАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ: ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ ВА ҚАРАШЛАР

XX аср бошларида Туркистонда мавжуд сиёсий- ижтимоий воқеалар ўзбек адабиётига ҳам жиддий таъсир ўтказди. 70 йил давом этган совет цензураси сабаб миллий тикланишда етакчилик қилган Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Бехбудий сингари ижодкорлар яратган бадиий асарлар тағзаминидаги чин моҳият – Озодлик мавзусидаги ижтимоий– сиёсий ғоялар бутунлай инкор қилиниб, уларга салбий муносабат билдирилаётган бир пайтда Америка ўзбекшунослари биринчилардан бўлиб бу ҳақиқатларнинг асл моҳиятини тарғиб қила бошладилар. Улар бундай ҳурфикрларни хорижда туриб айтганликлари ҳақиқатни баён қилишлари учун асос бўлганлигини ҳам таъкид этмоқ зарур. Аммо шуниси ачинарлики, биз хориж олимлари тадқиқотларини оригинал манбалар эмас, рус тилига қилинган нотўғри таржималар² асосида таҳлил қилиб, уларнинг “қарашларини ғоявий

¹. Н.Ф. Бельчиков. Пути и навыки литературоведческого труда, «Наука», Москва, 1965.стр. 233.

². Қаранг: Ғоявий кураш ва ўзбек адабиёти/ Л.Қаюмов, М.Нурмухаммедов, М.Қўшжонов ва б.; Тошкент.-Фан, 1985.

ва мафкуравий душманларимизнинг кирдикорлари ва тухматлари, буржуа ғанимларимизнинг найранглари деб баҳоладик¹”.

50–70– йиллардаги ҳар икки мамалакат (Ўзбекистон ва Америка) да ҳукмрон мафкуравий жараёнлар сабаб тарих ёки давр ҳақиқатига асосланган бадий асарлар аниқ ва объектив таҳлилини, тўғри баҳосини олмаганлигини олдинги тадқиқотларимизда ҳам исбот этгандик².

Аммо 90 – йиллардан то бугунга қадар яратилган тадқиқотлар Туркистондаги ижтимоий–сиёсий–маиший турмуш воқеалари адабий жараён билан боғлиқ синкретизм нуктаи назаридан ўрганилганлиги, даврнинг объектив қонуниятлариги асосланган ҳолда бадий асарга аналитик ёндашиш янада чуқурлашганлигини кўрсатади.

Америкали олим Э.Олворт кўп йиллардан бери Фитрат биографияси, ижодий фаолияти, Ўрта Осиё, хусусан Туркистонда истиқлол, озодлик ғояларининг қарор топиши, шаклланишидаги ўрни масалаларида кенг қамровли тадқиқотлар олиб бормоқда. Унинг Берлинда нашр этилган “Фитратнинг илк ижоди ва фаолияти; бухоролик жадинчи: Фитрат асарлари таҳлили ва тартиби” номли китоби мана шундай тадқиқотлар қаторига киради³.

Хорижлик ўзбекшунос мазкур тадқиқотида Ҳ. Болтабоев, И. Ғаниев, Н. Йўлдошев, ва турк олими Юсуф Овчилар тайёрлаган Фитрат асарлари библиографиясига қўшимчалар киритиб, ўзбек – хориж олимлари тадқиқотларидаги⁴ Фитратнинг нафақат йўқолган балки нашр этилган

¹. Назаров Б. Ижодий ҳамкорлик. Э.Олвортнинг “Биринчи ўзбек драмаси” мақоласи таржимасига ёзилган сўзбоши. Жаҳон адабиёти // № 8, 2009 йил (инглиз тилидан З. Мирзаева таржимаси)

². Қаранг. Мирзаева З. Ўзбек жадин адабиётининг Америкада ўрганилиши. ЎЗР ФА ТАИ, 2007.- 140 б.

³. Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings. - Berlin: Buch, 2000;

⁴. Timur Kocaoglu. Indian Revolutionaries as Metaphor in Modern Uzbek Literature // Asia Annual. - 2004. - P. 4; Hisao Komatsu. Yuz yil bashlarinda Orta Asya'da Turkculuk ve devrim hareketleri. Ankara: Turhan Kitabaeve yayinlari, 1993. - s.5-8; Nabi E. The period literature of Uzbek literature: The Tajik and Uzbek Literary Prose from 1900 till 1932: The dissertation written for taking Ph.D. - Columbia University, 1975. - 240 p.

асарлари нашрлари хронологияси билан боғлиқ чалкашликларга аниқлик киритган ва илк маротаба Фитрат асарлари алфавитли библиографиясининг тўлиқ шаклини тақдим этган. Ўзбек ва турк олимлари тайёрлаган библиография дастлабки манбалар қаторига кирса-да, уларни ягона манба сифатида қабул қилиб бўлмаслигини Э. Олворт қуйидагича изоҳлайди:

“Тарихий ҳужжатлар ва бирламчи манбалар А. Фитратнинг ўсмирлик йиллари ва сиёсий – ижтимоий фаолияти ҳақида маълум даражада маълумот берсалар-да, лекин у ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун етарли эмас”.¹

Озод Шарафиддинов Фитратнинг ўсмирлик йиллари, биографияси, Истанбулда бошлаган ижоди билан боғлиқ манбалар ишончли эмаслиги ва бу борада қўшимча тадқиқотлар олиб боришни тақозо этадган масалалар борлигини айтган эди.²

Фитрат асарларининг нашрлари хронологияси билан боғлиқ хилма-хилликларни ҳисобга олганда ўзбек ва америка олимларининг ушбу таъкидлари ўринли. Хусусан, муаллифнинг илк асари ҳисобланган биргина “Мунозара” нашри таснифида ҳам етарлича чалкашликлар мавжуд. Б. Қосимов “Мунозара” ни 1909 йилда нашр этилган деб таъкидласа,³ фитратшунос олим Ҳ. Болтабоев асарни 1909 йилда ёзиб тугатилган ва 1911 йилда нашр этилган, деган фикрни қайд этади⁴. Бундай ҳолатлар бошқа иккиламчи манбаларда, хориж олимлари тадқиқотларида⁵ ҳам учраб туради.

¹ Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings. - Berlin: Buch, 2000. - P. 6.

² Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. - Т.: “Шарк”, 2004. - Б. 99.

Адабиётшунос олим Ҳ. Болтабоев “Фитратнинг Истанбул даврини тавсифловчи” номли мақоласида Фитратнинг Истанбул билан боғлиқ фаолиятидаги баҳсли фикрларга маълум манбалар асосида аниқлик киритишга ҳаракат қилган. Қаранг: Фитрат ва жаидчилик. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007. Б. 15.

³ Абдурауф Фитрат. - Чин севиш. - Адабиёт ва санъат нашриёти. - Тошкент: 1996, Б. 6. - Сўзбоши муаллифи Б. Қосимов.

⁴ Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар// Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев. - Т.: “Маънавият”, 2000. - Б. 235.

⁵ Timur Kocaoglu. Indian Revolutionaries as Metaphor in Modern Uzbek Literature// Asia Annual. - 2004. - P. 4; Hisao Komatsu. Yuz yil bashlarinda Orta Asya'da Turkculuk ve devrim hareketleri. Ankara: Turhan Kitabaev yayinlari, 1993, pp. 5-8; Naby E. The period Literature of Uzbek literature: The Tajik and Uzbek Literary Prose from 1990 till 1932: The dissertation written for taking Ph.D. - NY.: Columbia University Press, 1975. - 240 p.

Иккинчи бир жиҳатдан Фитрат фаолияти билан боғлиқ бундай муаммолар унинг ижтимоий – сиёсий ва адабий оқимдаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этмайди, деган тасаввур ҳам уйғотиши табиий.

Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ёзувчи асарларининг ҳар бир парчаси нашрлари тартиби, таснифи, хронологиясини тўлиқ ва тўлақонли далиллар асосида белгилаш ва қатъий хулосаларга келиш қуйидаги масалаларнинг ойдинлашишини таъминлайди:

биринчидан, ислоҳотчи – ёзувчининг ижтимоий – сиёсий ва маданий ўзгаришлардаги фаолиятини даврлаштириш, ривожланиш даражаси ва босқичларини белгилаш;

иккинчидан, унинг дунёқараши ўзи яшаётган жамиятга, жамият психологияси ва сиёсий - ижтимоий социал муҳитга боғлиқлик даражасини аниқлаш;

учинчидан, ўша даврга хос бўлган “ёзувчи психологиясидаги фикрий йўналишлар” эволюциясини белгилаш;

тўртинчидан, давр воқеа –ҳодисалари билан боғлиқ ҳар бир детал ёки картина ислоҳотчи - ёзувчи онгида синтезланиши ва адабиёт оқимида акс этиш даражасини аниқлаш;

ва бешинчидан, ёзувчи шахсияти ва дунёқарашининг шаклланиши, ижодидаги ўсиш, ўзгаришлар, у ёки бу асарининг ёзилиш тарихи ҳақидаги талқинларни ҳаққоний ифода этиш¹

Америкалик олим масалани очик қолдирмайди, маълум фактлар асосида унинг ечимни топишга ҳаракат қилади. Жумладан Фитратнинг “Қон” (ёки “Муқаддас қон”) беш пардалик трагедик драмаси 1921 йилда ёзилган дея хулосага келади². Ҳ. Болтабоев бу драматик асар тақдири ҳақида яна ҳам

¹ Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти.- Т.: “Шарқ”, 2004.- Б.100.

² Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, 2000.- p. 20-21.

мавхумроқ тасаввурга эгалигини, асар 1921 йилда сахнага чиқққанлигини таъкидлайди¹.

Америка тадқиқотчиси мазкур рисоласида Фитратнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий масалалар билан боғлиқ фаолиятини уч даврга бўлиб тасниф қилади. Унинг таъкидлашича ҳар уч даврда Фитрат маданият ва сиёсат билан боғлиқ кенг қамровли асарлар яратган. Муаллиф яратган асарлар Марказий Осиё маданияти ва айрим вазиятларда сиёсати тарихининг ривожланишида тўлалигича акс этган.²

Э.Олвортнинг Абдурауф Фитрат ижодий фаолияти билан боғлиқ хулосаларидан уни ўз даврининг маданий маркери³ сифатида ҳам қабул қилишимиз мумкин бўлади. Маданий маркерлар тил, урф одатлар, дин, ватан, ижтимоий турмуш, иқтисод, сиёсат, тарих ва миллат ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ жамиятнинг асосий қуроли ҳисобланиб, ҳар қандай мушкул вазиятларда миллатни сақлаб қолиш, маданий меъросимизни келажак авлодга етказишда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, улар миллат ўзлигини ривожлантиришда, уни қайта қуриш жараёнини енгиллатишда асосий масъулиятни гарданига олган шахслар ҳисобланади. Э. Олвортнинг Фитрат асарлари синхроник классификацияси ва таҳлил методларининг беш категория асосидаги таснифий хулосалари Фитрат хусусидаги фикрларимизнинг тўғрилигига асос бўла олади, деб ўйлаймиз.

Э. Олворт ҳар қандай ёзувчининг, жумладан Фитрат асарларида бўй кўрсатган маънавий- ижтимоий соҳадаги чуқур мулоҳазалари, ўзига хос идрок унинг индивидуал ўтмиши ва темпераменти асосида кашф қилинган, деган хулосага келганлиги боис у “Фитратнинг илк ижоди ва фаолияти; бухоролик жадидчи: Фитрат асарлари таҳлили ва тартиби” номли китобида унинг автобиографиясига, ҳаётида юз берган ҳар бир сиёсий- ижтимоий

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар// Сўз боши ва изохлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев/.- Т.: “Маънавият”, 2000.- Жилд I. Б.- 20.

² Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.- Berlin: Buch, 2000.- p.

³ “*cultural markers*” инглизларда мавжуд истилоҳ бўлиб, маданиятнинг жамиятда тутган ўрнини ҳисоб- китоб қилувчи шахсларга нисбатан қўлланилади.

воқеага жиддий эътибор қаратади. Асарлари яратилиши тарихи, уларга сабаб бўлган вазиятлар, воқеаларни изоҳлашга ҳаракат қилади. Масалан, у “Қиёмат” асарининг ёзилиш тарихини большевикларнинг Марказий Осиёдаги нотўғри бошқарув тизими ва Фитратнинг уларга бўлган нафрати билан изоҳлайди.

Мазкур асарнинг яратилиши Фитратнинг Бухородан сургун қилинган даврига тўғри келади. Унинг “Хуррият” газетаси 1917 йил 49- сониди (7 ноябрь) ги “Русияда янги бир бало бош кўтарди-большевиклар балоси” номли мақоласи, рус большевиклари ҳокимиятни қўлга олганларидан кейин барча миллий имтиёзлар қоғозда қолиб кетганлиги, ва “Юрт қайғуси” (Темур олдинда) даги большевикларга муносабатини ҳисобга олганда Олвортнинг хулосаси тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Фитратнинг руҳий изтироблари “Қиёмат” да тўғридан тўғри акс этган. У ғоявий мақсадини бутунлай бошқача йўл билан ифодалайди. Асарнинг бош қаҳрамони Почамир (Рўзиқул) образи орқали муаллиф охиратдаги ҳисоб китоб жараёнини ўзича идрок этади. Бу дунёда қилинган ҳар бир нобоп иш у дунёда жавобини олажак, гуноҳларга кўмилган Почамир эса жазога маҳкум гуноҳкор. Асар ҳаёлий ҳикоя деб эътироф эътилса-да, ёзувчи ўзига яхши маълум бўлган факт асосида халқ психологиясига яқин картиналар, образлар ва қиёфаларни китобхон руҳиятига тез таъсир қиладиган кўринишда (шаклда) тасвирлайди.

Б. Қосимов “ҳикояда нариги дунё воқеаларини эмас, улар воситасида бу дунёнинг ғавғо-ю шўришларини, Туркистоннинг оёқ-қўлига кишан солдирган жаҳолат ва мутаассибликни фош этиш, улар устидан истехзо асосий мақсад қилиб олинган эди”¹, деган фикрни айтган. Олим ўзи таъкидлаган бош қаҳрамоннинг “Почамир” (“амир почча”) деб номланишидаги ишорага асосланиб, унинг хулосаларини тўғри деб баҳолаш мумкин.

¹ Қосимов Бегали. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик.-Т.: “Маънавият”, 2002.- Б.368.

Америкалик олим тадқиқотидаги бу методологик асос кенг кўламли таҳлилни таъминламаса-да, шахсий ҳаёти билан боғлиқ ҳар қандай воқеани ўрганиш унинг миллат манфаати билан яшаш шиори, бу билан боғлиқ психологик кечинмаларини асарларида тасвирлаш даражаси намоён бўлади. Шу ўринда Фитратнинг сиёсий- ижтимоий ва адабий фаолиятини бир биридан ажратиб ўрганиб бўлмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Э.Олвортнинг Марказий Осиё халқлари тарихи, жумладан Ўзбекистон маданияти тарихи ва адабиётига бағишланган қатор илмий асарлар яратганлиги маълум. Унинг 85 - йиллардан кейинги илмий фаолиятдан беҳабар кўпчилик адабиётшунос ва тарихшунос олимларимиз бугунгача унга фақат ғарб “советологи”, тарихшунос ёки сиёсатшунос олим сифатида қарайдилар. Тўғри, унинг Мустақиллик йилларига қадар яратилган тадқиқотларига, худди бизда бўлгани каби, маълум сиёсий- мафкуравий жараёнлар ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Лекин Э. Олворт Фитрат насрий асарлари¹ ”Мунозара”, (1909 -1911) “Ҳинд сайёҳи баёноти” (1911-12) “Қиёмат”,(1923), “Бедил бир мажлисда”(1923), “Шайтоннинг Тангрига исёни”, (1924) “Абулфайзхон” (1924), “Овунчоқ” “Миррих юлдузига”² каби шеърлари, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг³ “Падаркуш” (1913) драмасига бағишланган тадқиқотларида бадиий асарни тарихийлик принципида, адабиётшунослик меъзонлари асосида таҳлил қилиб, ижодкорларнинг Совет цензурасидан ҳимояланиш ва давр учун муҳим ижтимоий-сиёсий ғояларни тарғиб қилиш учун фойдаланган кўп маъноли, метафорик образларнинг асл моҳиятини тадқиқ этиб, бадиий асар замиридаги ҳаққоний тушунчалар мантиғини фош этади ва оригинал топилмаларни кашф қилади. Турк олими Темур Хўжа ўғли устози Э. Олвортнинг XX ўзбек адабиёти, хусусан Фитрат ва Бехбудий асарларидаги аналитик таҳлилнинг ўзига хос йўналиш ва

¹ Allworth E. Evading Reality. Devices of Abdarauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist.- Netherlandz: Brill Academic Publishers, 2002; Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, 2000;

² Allworth E. Uzbek Literary Politics.-The Hague: Mouton and Co., 1964.-P.58.

³ Allworth E. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama//Ural-Altaic Year- book.- 58(1986),pp.65-95;

тамойиллари хусусида тўхталиб, унинг адабиётшунослик соҳасидаги қобилиятини очиб берган¹. Шу ўринда Э.Олвортнинг ўзбек адабиёти намуналарини фақат таҳлил қилиш билан чекланмай, уларни бирламчи ва айрим ҳолларда иккиламчи манбалардан инглиз тилига таржима қилганлигини ҳам таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз².

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ғарбона тафаккурга эга олимлар ўзларига бутунлай ёт бўлган Шарқона қарашларни тарихийлик принципида тадқиқ этганлиги, оригинал хулослари тарихий ҳақиқат материалининг аниқ таҳлили ва тўғри баҳосини таъминлайди. Олворт тадқиқотидаги бундай синхроник, статистик таҳлил методи ва тасниф усуллари Абдурауф Фитратнинг XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти, ижтимоий – сиёсий – маданий муҳитдаги интеллектуал салоҳияти ва эстетик аҳамияти даражасини белгилаб бериши билан бирга олим Фитрат яратган асарларнинг Марказий Осиё маданияти, адабиёти, сиёсати тарихининг ривожланишидаги ўрнини яна бир поғона қўтарилишига асос яратди. Шунингдек, олимнинг мазкур

¹ Timur Kocaoglu, *Türkistan'da Türkçe ilk tiyatro eseri: Mahmud Hoca Behbudi'nin "Pederkuş" (Baba katili) piyesi-1913*, *Türklük Araştırmaları Dergisi* 15 (Ayırbasım:Marmara Üniversitesi), Istanbul, (Bahar 2004), 177- 262 s; Timur Kocaoglu. *Indian Revolutionaries as Metaphor in Modern Uzbek Literature//Asia Annual.-2004.- P. 4*; Hisao Komatsu. *Yüz yıl başlarında Orta Asya'da Türkcülük ve devrim hareketleri*. Ankara: Turhan Kitabev yayınlari, 1993, pp.3-4

² Олвортнинг таржимонлик маҳорати Бехбудийнинг «Падаркуш», Фитратнинг «Қиёмат», «Шайтоннинг Тангрига иёни», «Бедил бир мажлисда» Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага», каби асарларида тўлиқ намоён бўлган. Мазкур асарларда давр адабиётига хос бадиийлик, «жонли образларда мазмун ва ғояни мужассамлаштириш» маҳоратининг энг муҳим жиҳати, муаллиф ижодий нияти давр руҳиятига мос тарзда қайта яратилган.

Бундан ташқари Ғози Олим Юнуснинг «Луқмони ҳаким», Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Тошбақа билан Чаён», «Туркистон», Фитратнинг «Миррих юлдузига», С.Айнийнинг «Байналмилал марши», А.Мажидийнинг «Лохутий хотираси» номли шеърлари ҳам олим томонидан инглизчалаштирилган

Бу ҳақда қаранг: Cholpon To a Devastated Land// *Central Asian Journal.-10(1965),P.61-70* (translated by Edward Allworth); Чўлпон. Бузилган ўлкага// Ўрта Осиё журнали.-10 (1965), Б.61-71 (Э.Олворт томонидан таржима қилинган); Allworth E. *Uzbek Literary Politics.-The Hague:Mouton and Co.,1964; Evading Reality. Devices of Abdarauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist.- Netherlandz: Brill Academic Publishers,2002; Begbudiy(from or through Russian- E.A).The Patricide.-Translated and published by E.Allworth/ Ural Altaic Year book.- 58 (1986), pp.83-96; . Allworth E. Modern Uzbeks.-Stanford:Hoover Institution Press, 1990*

рисоласидаги Фитрат фаолияти ва асарларига ўзига хос ёндашув принципи уни мукаммал тушуниш, у ҳақидаги тасаввурларимизни тиниклаштириш, априор систематик қарашларга барҳам бериш, асарлари нашрларидаги чалкашликларга аниқлик киритиш ва энг муҳими Фитрат ҳақиқатини тўлалигича англашда кичик манба бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАРИ ТАРЖИМАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

XX аср бошларида Туркистон, Озорбайжон, Қрим ва Татаристон каби ҳудудларда юзага келган маърифатпарварлик ҳаракати катта даврни ўз ичига олади. Бу жараён нафақат Осиё балки аввалроқ Европа мамлакатларида ҳам маълум суръатда амалга оширилганлиги, сиёсий–ижтимоий ислохотни ривожлантиришнинг асосий воситаси маърифат, маърифатнинг ибтидоси эса адабиётдан бошланиши каби муштаракликка эгаллиги, жаҳон тарихи саҳифаларида эътибор талабланиши билан ажралиб туради. Турли даврларда, муайян ҳудудларда юзага келган бу ҳаракат асосидаги адабиётда реалистик услубнинг устиворлиги ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатни ислоҳ қилишдан озодлик ҳаракатигача етган жараён кучли ва муросасиз ижодий курашлар муҳитини юзага келтирди ва бетакрор истеъдодларни тарих саҳналарида боқий муҳрланишига асос бўла олди. Пировардида бундай истеъдод эгалари тақдири ва ижодини ўрганишга бўлган эҳтиёж йиллар ўтган сари ортиб бормоқда.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон мана шундай иқтидорлардан бири эди. Унинг ижодий меросидан бохабар ҳар қандай мутахассис шоирнинг ҳақиқий талант эгаси бўлганлигига гувоҳ бўлади.

XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда мавжуд бўлган сиёсий–ижтимоий турмуш, шу йилларда содир бўлган тарихий воқеалар ўзбек адабиётида кескин бурилиш ясалиши ва ўзбек адабиётининг ўзига хос шаклини яратилишига асос бўлди. Бадиий ижоднинг ижтимоий вазифасига, ғоявийлигига урғу берилиши, унинг муайян мақсадлар асосида яратилиши, бир жиҳатдан, жади́дчи ислохотидаги сиёсий–ижтимоий турмуш

муаммоларини ечимини топишдаги энг тўғри йўл эканлиги билан унинг актуаллигини таъминласа, бошқа бир томондан адабиётдаги бадиият, шакл ва мазмун бирлиги каби масалалар тубдан оқсоқланиб қолган эди. Давр адабиётининг мана шундай ғоявий ташвиқига қаттиқ урғу берилаётган бир пайтда унинг ҳам ижтимоий ҳам образли таъсир кучини бирдек таъминлай олган Чўлпон маълум маънода, ўзига хос йўналиш яратди. У давр руҳи билан тўйинган мазмунга ўзга либос, янги ва муносиб шакл кийдирди.¹ Чўлпоннинг ижодий меъроси реалистик принципга асосланганлиги, ўлмас мавзулар орқали долзарб миллий муаммоларга мурожаат этиши, гўзал бадиий тасвир, бетакрор поэтик образларни ифодалашда айрича хусусиятга эгалиги билан ўзбек адабиёти ва санъати ривожига муносиб ўрин тутди.

Чўлпон ижодининг бошқа ёзувчи ва шоирларга нисбатан кўпроқ тадқиқ этилганлиги, нафақат ўзбек балки европа мутаржимлари эътиборидан ҳам четда қолмаётганлиги, ижодидан намуналарнинг бошқа тилларга таржима қилинаётганлиги, бизнингча, юқорида қайд этилган оимлар билан ҳам характерланади. Давр билан боғлиқ, чет тилларга энг кўп таржима қилинган шеърлар ҳам Чўлпонга тегишли эканлигини таъкидлаш жоиз. Буни Чўлпон ижодиётига бўлган муносабатнинг бир қирраси, деб айта оламиз.

Чўлпон шеърларидан намуналарни туркиялик чўлпоншунос оимлар - Иброҳим Ёрқин, Саодат Чиғатой турк тилига, Арслон Субутой Чўлпоннинг “Гўзал Фарғона” (“Гўзал Туркистон”), Йоханнес Бензинг «Турмушми бу?» шеърларини немис тилига ўгирган. Англиялик ўзбекшунос Олаф Кероу, америкалик тадқиқотчи Элворт Олворт ва Маккейн Жон каби оимлар ҳам Чўлпон шеърларини инглиз тилига таржима қилиб, шоир ижодини дунё адабиёти меҳварига олиб чиқмоқдалар.

Шоирнинг “Кишан”, “Бас энди”, “Бузилган ўлкага”, “Кўнгил”, “Куз” каби шеърлари тоталитар тузум, хукмрон мафкура, чексиз хўрлик ва азоблардан чарчаган муаллиф матонатининг энг сўнгги паллаларида ярилгандек, назаримизда. Айнан мана шу ижод намуналарида унинг

¹ Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.-Б. 19.

руҳиятидаги оғир нуқталар очик ойдин намоён бўлган. Хориж чўлпоншунослари тадқиқотларини кузатганимизда шоирнинг айнан юқорида кайд қилинган шеърларининг тадқиқ ва таржима қилинганлигига гувоҳ бўламиз.

Чўлпон ҳаёти ва ижодининг оловли йўлларида яратилган “Бас энди” шеъри таржимаси турли миллат олими ва таржимшунослари қаламига мансублиги билан характерлидир. Шеърни илк бор Э.Олворт, кейин турк таржимони Мел Кенне билан биргаликда ва ёш ўзбек шоир ва таржимони Азам Обидов инглизчалаштирган. Ўзбек тилидаги бир шеърни ўзбек, турк ҳамда инглиз таржимонлари томонидан инглизчалаштирилиши ҳозирча кам учрайдиган ҳодиса. Уларни қиёсан тадқиқ қилиш эса, муайян назарий ва амалий хулосалар чиқаришга хизмат қилади¹.

Э.Олворт ушбу шеърни тўлиқ эмас, муаллиф дард– аламларининг кульминацион нуқтаси акс эттирилган парчалардан намуналар инглизчалаштирган. «Муайян оригинал шеърнинг маълум бир қисмининг таржима қилиниши... аниқ таржима талабларини қасдан бузиш демакдир, бундай ҳолатда таржимон асарнинг яратилиш ибтидосида иштирок этмайди ва натижада таржима асар шунчаки яратилиш воқеасигина бўлиб қолаверади²» деб ёзади словак олими ва таржимашуноси Диониз Дюришин. О’Брайен Жастин эса таржимон фақат ўзига маъқул бўлган, таъсирланган бадий асар намуналарини бир тилдан бошқа тилга таржима қилиши керак³, деб таъкидлайди. Таъсирнинг махсулидан яратилган муайян таржима асар унинг (таржиманинг) бирламчи шарти, аммо, шунингдек, автореферат муаллифи таъкидлаганидек, таржима амалга оширилаётган давр шарт-шароитлари ва эҳтиёжлари ҳам ўғирма манбаини танлашга таъсир этиши

¹. Чўлпон шеърлари таржимаси қиёсий таҳлили хусусида номзодлик ишимизда ҳам қисман тўхталганмиз.(Бу ҳақида қаранг. Мирзаева З. Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши: Фил.фан. ном... дис.- Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2007.-140б.) Ушбу мақолада мазкур муаммо тадқиқининг кенгайтирилган шакли акс этган- З.М

². Дюришин Диониз. Теория сравнительного изучения литературы.- Москва: Прогресс, 1979.-С.160.

³ Қаранг: Бақоева М. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърини таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари.-Филол.фан.док.дисс. автореф.-Тошкент, 2004.-Б.9.

мумкин. Америкалик олимнинг шеърдан таъсирланганини инкор этмаган ҳолда у яратган таржима вариантынинг яратилиш эҳтиёжини бадиий таржиманинг иккиламчи шарти билан изоҳлаймиз. Аниқроқ қилиб айтганда, Э. Олворт ўгирмаси фақат индивидуал фикр исботи учун хизмат қилган.

Шу ўринда Э. Олворт таржимаси вариантидаги яна бир кемтиклик хусусида.

Америка олими Чўлпоннинг “Бас энди” шеърининг иккинчи ва тўртинчи мисраларини таржимада чалкаштирган, ёки юқорида таъкидланганидек фикр исботи учун шеърнинг энг муҳим қаторларини танлаб, икки устун бирлигидан ўз она тилида янги бир тўртликни ҳосил қилган. Америкалик олим аслиятдаги, тартибга риоя қилмаганлиги сабаб унинг айнан қайси мисрани инглизчалаштирганлигини фарқлашда чалкашасан, киши.

Бундай ҳолатлар таржимашунослар таъкидлаган услубдан услубга кўчиш ҳодисасининг бир кўриниши сифатида ёки олим – таржимоннинг ўзига хос услуби, тадқиқотлари йўналишларидан келиб чиқиб баҳоланса Э.Олворт тутган йўлга эътирозимиз йўқдек, лекин таржима талаблари ва тамойилларига кўра аслият муаллифининг табиатини теранроқ англаш ва англатиш учун бундай йўл ўзини ҳеч қачон оқламайди. Ваҳоланки, ижоднинг ҳар қандай йўналишида ҳам бадииятнинг асосини ташкил қилувчи элементлардан бири услубдир. В.Г.Белинский “услуг – бу иқтидорнинг ўзи...услуг бу фикрнинг ойдинлиги, сезгирлиги. Услуг мудом шахсият, характер каби оригинал¹ дея услубнинг муҳим аҳамияти ҳақида тўхталган эди.

Турк таржимони ва Мел Кенне, шунингдек Азам Обидов қаламига мансуб ушбу шеър таржимаси эса тўлиқ ва мукамаллиги, ҳеч қандай мақсадга асосланмаганлиги, энг асосийси таржиманинг мутаржим руҳий олами муштарақлиги замирида юзага келганлиги билан қийматлидир.²

¹. Белинский В.Г. Полное собрание сочинений. -Т:8.-М. 1955.-С. 79

². Қаранг: Чўлпон шеърлари инглиз тилида//Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 1998.-№ 4.-Б.136-137; Azam Obidov. Dream of lightsome dawns.-Tashkent:Yangi asr avlodi, 2001.-English translations of the Uzbek verses. Chulpon, Usmon Nosir pp. 17-18.

Мазкур таржималарни тадқиқ қилиш жараёнида шеърнинг мазмун, моҳияти ва шоирнинг руҳий кайфияти ҳар учала таржимада тўлалигача намоён бўлганлигини, сўзларда учраши мумкин бўлган қусурлар деярли мавжуд эмаслигини айтиб ўтиш лозим.

Э. Олворт учун, энг муҳими, шеърнинг мазмунини ўз тилида баён этиш бўлиб, уни она тилида тушунтириш билан чегараланган. Олим услубидаги бундай йўналишни унинг тадқиқотларидаги асосий мақсад–сиёсий–мафкуравий ёндашув билан изоҳлаш мумкин. У шеърни сиёсий-ижтимоий маслаклари исботи учун таржима қилган.

Америкалик олим ўз таржимасини тушунарли ва содда тилда беришга интилади. Бадиий асарни содда, халқ тушунадиган тилда ифодалаш давр адабиётининг энг муҳим жиҳати эканлигини ҳам инкор этмаймиз. Лекин, назмни насрдан фарқ қилдириб турадиган услубий воситалар, айниқса сўз кудратининг шеърдаги инъикоси таржимада ифода этилмаса, бадиий фикр ўз хусусиятини йўқотса унда шеърни оддий гапдан фарқи қолмайди. Қолаверса, Чўлпон поэзияси бетакрорлигини таъминлайдиган асосий унсур, исталган мавзуда –хоҳ у ижтимоий, хоҳ сиёсий ёки мухаббат мавзулари бўлсин сўз кудратининг чексиз ифодаси, руҳий оғриқнинг шоир сатрларида жонли суръатда акс эттирилганлиги билан характерланади.

Олворт таржима қилган вариантда юқоридаги таъкид этилган Чўлпон шеърларига хос хусусиятлар тўлиқ ифода этилмаган.

Чўлпоннинг мазкур шеъри таржимасида шоир руҳиятидаги исён, мустамлакачилик зулмига қарши ҳайқириқ, шоирнинг аламли шиддати Темур Хўжа ўғли ва Азам Обидов ўғирмаларида бирмунча чуқурроқ ифодаланганлиги маълум бўлади. Лекин шеър бадииятини таржимада сақлаб қолиш, Чўлпон шеъридаги ҳар бир сўз, хусусан, лисоний жиҳоланишлардаги изчилликни атрофлича ўрганиб, инглиз ўқувчисига ҳам шеър аслиятдагидек

таъсир қилишини таъминлаш Турк таржимони вариантида яққолроқ кўзга ташланади.

Фикримизни далиллашга ҳаракат қиламиз:

**“Қўлимда сўнгги тош қолди
Ёвумга отмак истаймен!
Кўзимда сўнгги ёш қолди,
Амалга етмак истаймен!..”¹**

**This last stone I hold in my hand
I long to fling at my enemies
This last tear that my eye contains
I long to shed for my lifelong aims³**

**The last stone left in my hand
I want to fling at my enemy;
The last wish left in my heart
I want to reach the goal²**

**On my hand kept latter stone,
I the enemy want attack.
In the eyes late tears shown,
And I wish to have high rank⁴**

Қайд қилинган сатрларда шоирнинг “ёв” ига қарата айтган, нафратга йўғрилган аламли хитоби, руҳиятидаги тушкун кайфияти акс этган. Мазмунга шакл, халқона оҳанг ҳамоҳанг. Шеър кескин ижтимоий фикр билан йўғрилган. Мазкур сатрлар шоирнинг “фикр ва туйғуси” муштараклигида яралганлиги сабаб ўзига хос таъсир кучига эга.

Аслиятдаги “ёвумга отмак истайман” мисрасидаги “истамоқ” феълини Турк таржимони “long”, Э.Олворт ва А.Обидов “want” шаклида ифодалаган. Ҳақиқатдан бу сўзларнинг луғавий маъноси “истамоқ”. Лекин бу сўзлар маъно товланишига кўра фарқланади. “Long”-хоҳишнинг энг юқори даражасини (**жуда, астойдил**) акс эттириш учун қўлланса, “want” да бундай хусусият йўқ. Шу сабабли Темур Хўжа ўғли таржимасидаги “long” Чўлпон қалбидаги “истак” ни тўлалигича намоён қилиш билан бирга шоир

¹ Чўлпон. Ойдан-да гўзал... Шеърлар. Андижон, 1997.–Б.24.

² Allworth E. Uzbek Literary Politics.- The Hague: Mauton and Co., 1964.-P.76.

³ Чўлпон шеърлари инглиз тилида//Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 1998.-№ 4.-Б.136.

⁴ Azam Obidov. Dream of lightsome dawns.-Tashkent:Yangi asr avlodi, 2001.- English translations of the Uzbek verses. Chulpon, Usmon Nosir p.18.

руҳиятидаги ҳолатни ва шеърдаги пафосни аниқ кўрсатиб бера олган дейиш мумкин.

Қуйидаги мисоллар турк мутаржими таржимасининг Азам Обидов, Э.Олворт ўғирмаларига нисбатан мукамалроқ эканлигини яна бир бор исботлайди.

Турк таржимони “Амалга етмак истайман” сатрини “**I long to shed for my lifelong aims**” деб инглизчалаштирган бўлса, А.Обидов “**And I wish to have high rank**”, Э.Олворт эса “**I want to reach the goal**” шаклида берган. Қўринадики, Турк таржимони вариантыда “Бас энди” шеърдаги бадий тил ва нутқ аслиятга муқобил бўлиши билан бирга Чўлпон руҳий олами ҳасратларига яқин ифодаланган. Бу турк таржимонининг ютуғи деб ўйлаймиз.

Таржимонлик маҳорати “бадий асарда ёритилган воқеликни кўра билиш ва чуқур ўрганиш... тилнинг луғат таркибидаги турли қатлам ва ёзувчилик санъатининг қудратли унсури ҳисобланган сўзнинг барча нозик маъно жилваларини аниқ, тўла-тўқис сеза олиш қобилиятидир”. Сўз ва туйғу аслият руҳини таржимада сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.¹

Олворт икки таржимондан фарқли ўғирмани тушунарли ва содда тилда беришга интилади.

Турк таржимони сўз, фикр тиниқлиги омухталигида шеър бадийятини, аслиятга муқобил поэтик ифодавийликни, эстетик таъсир кучини ўз таржимасида А.Обидовга нисбатан аниқроқ беришга ҳаракат қилган.

Юқорида XX аср бошларида яратилган асарларнинг жуда кўпчилигида ғоявийлик устун бўлиб, адабиётнинг спецификасига эътибор берилмаётганлиги, оқибатда унинг бадий эстетик таъсир кучига путур етаётганлиги, адабиётнинг ижтимоий функцияси биринчи планга кўтарилиши азалдан маълум бўлган шакл ва мазмун бирлигининг оқсоқланишига сабаб бўлганлиги хусусида тўхталган эдик. Дарҳақиқат, бизнингча ҳам, маълум бир асарнинг ғоявий асоси билан ёзувчи бадий

¹. Таржимонлик маҳорати/ Ғ.Саломов ва бошқалар.; Тошкент: Фан, 1979.- Б. 137.

маҳоратининг уйғунлашгани нуқтасида вужудга келган асар чинакам бадиий асар ҳисобланади, айнан мана шу нуқтада адабиётнинг тугал кудратини намойиш қила олиш мумкин бўлади.

“Чўлпон назарида бу вазифанани муваффақиятли ҳал қилмоқ учун Шарқ ва Ғарб санъатларини синтез қилмоқ ва мазмун билан шаклнинг уйғунлигига эришмоқ керак, зинҳор–базинҳор санъатни қуруқ ғоялар мажмуасига айланиб қолишига йўл қўймаслик керак”¹.

Чўлпоннинг ушбу таъкиди ўзи учун дастуруламал бўлган бўлса-да, бошқа кўпчилик жадид асарлари бундай қарашлардан йироқ эди.

Чўлпон бадиий меъроси қийматининг калити мана шу таъкид билан ҳам белгиланади. Бундан кўринадики, Чўлпон мунтазам изланишда, унинг бадиий эстетик қарашлари (айниқса поэзиясида) доимий ривожланишда бўлган.

“Бас энди” шеъридаги шоир руҳий олами, бадиий маҳорати ва эстетик принципи, шунингдек поэтик ифодавийлик яхлитлиги асосида юзага келган шеърларидаги шакл ва мазмун бирлигини бошқа мутаржимларга нисбатан тўлиқроқ сақлаб қолиш ҳам Темур Хўжа ўғли вариантыга хос эканлигини кўйидаги мисол яна бир бор исботлайди.

**Етар бас, чекдан ошгандир
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!
Тўлиқдир, балки тошгандир
Тубанлик ҳам сафолатлар!**²

**That's enough! There is finally a limit
To all these insults, this humiliation!
The edge that's arrived at bit by bit
Is only self-doubt and deprivation!**³

**That will do, enough, no limit
This reviling and damnation.
May be full or flowed out,
Baseness with low-down action**⁴

¹. Қаранг: Шарафиддинов О. Истиклол фидойилари/ Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим.-Тошкент: Шарқ, 1993.-Б.59.

². *Чўлпон. Ойдан-да гўзал... Шеърлар. Андижон, 1997.-Б.24.*

³. Чўлпон шеърлари инглиз тилида//Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 1998.-№ 4.-Б.136.

⁴. Azam Obidov. Dream of lightsome dawns.-Tashkent:Yangi asr avlodi, 2001.- English translations of the Uzbek verses. Chulpon, Usmon Nosir p.17.

Аслиятдаги **“Бу қарғиш, бу ҳақоратлар”!** сатрини **“To all these insults, this humiliation!”** деб инглизчалаштирган турк олими **“қарғиш”** ва **“ҳақорат”** сўзларини аслиятга муқобил беришга ҳаракат қилган. Маълумки, бир сўзнинг бир неча маънога эга бўлиши бошқа тиллар қаторида инглиз тилида ҳам мавжуд. Одатда сўзларнинг луғатдаги тартибланишига кўра унинг доминанти ҳар доим биринчи рақам билан белгиланади. Бизнингча, мутаржим маълум бир сўзга маъно юклатишдан олдин унинг қўлланилиш доираси билан бирга ифода чегарасига ҳам аҳамият берсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бадий таржимада сўзнинг маъно ўринлари ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Шунга кўра **“insults”, “humiliation”** кабилар **“қарғиш”, “хўрлаш ва ҳақорат”** каби маъноларни англатишда инглиз тилидаги доминант сўзлар ҳисобланади. Турк олими ва таржимони шеърни сўз маъноларининг тилдаги ўрни, маъно чегарасига эътибор берган ҳолатда инглизчалаштиришга ҳаракат қилган. Сўзларнинг моҳият доирасидан четлашмаган тарзда таржима қилгани боис муаллиф фикри аниқ ва чуқур очиқ берилган.

Фикримизча, А.Обидовнинг илк таржималарига хос мазкур вариантда мутаржим танлаган инглизча сўзлар аслиятдаги маънони тўлиқ бера олмаган.¹ Шеърдаги шакл ва мазмун яхлитлиги муваффақиятли чиқмаган.

Бизнингча турк таржимонининг ўгирмаларидаги мукамаллик Мел Кенне ҳамкорлиги натижаси. Бу Чўлпон асарлари таржимачилигидаги ўзига хос ютуқдир.

Маълумки, “бадий таржиманинг ўзига хослиги бадий адабиётнинг ўзига хос сифати билан белгиланади”.² Аниқ таржимада шеърин таржима насрий асарларга нисбатан мураккаблиги ва бу мураккабликнинг дастлабки

¹ В.К.Мюллер.Англо-Русский словарь.-Москва:Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1962; W/ Natalie. Uzbek-English Dictionary.-New York, New York, USA: Oxford University Press, 1980. В.К.Мюллер..Англо-Русский словарь.-Москва: Русский язык, 1989; Krippes. K. A. Uzbek-English Dictionary. Kensington, Maryland, USA: Dunwoody Press, 1993. Longman. Language Activator/ The World’s First production Dictionary.-First Indian Reprint,1999.

² Саломов Ғ. Таржима ташвишлари.-Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.- Б.16.

кўриниши қофия, ритм, пафос кабиларни ўгирмада аслиятдагидек бериш билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Чўлпоннинг юрт озодлиги мавзусида ёзилган сиёсий-ижтимоий руҳли шеърларининг эҳтиросли жаранглашининг сабаби – шоир фикр ва туйғуси бир вақтда иштирок этувчи “мен” идан отилиб чиқади.¹ Турк таржимони Чўлпон қаламига мансуб бошқа ижод намуналаридаги шоир “мен” лигини, шеърларидаги ҳароратни ўз таржималарида сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Масалан:

*“Бу қарғиш, бу ҳақоратлар
Кучимни тортмак истайдир
Тубанлик ҳам сафолатлар
Ўзимни ютмак истайдир!”
(“Бас энди”)*

**“These insults and this humiliation
Conspire to drain me of my strength,
This self-doubt and deprivation
Come to swallow me whole, at length
(“That’s enough”)**

Ёки: *“Юмилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни қаҳр айлар,
Фақат бир борлигингдирким, бутун борлиқни захр айлар!”
(“Кишан”)*

**“In each of your locked- open eyes a nation is bent down,
And through your being corruption makes itself known²”
(Chains)**

Таржимашунос олим Қ.Жўраев таржимачилик ва таржимон иши хусусида шундай фикр билдиради: “Таржимачилик иши миллий адабиётларни ўзаро айирбошлаш, бирида учрайдиган миллий биқиклик ва камчиликни иккинчисида бартараф қилишга имкон берувчи энг ишончли воситалардан бири. Таржимон эса шу ижодий жараённи амалга оширувчи адиб. Унинг фаолияти фақат тил билиш ёки истеъдод билан, ёинки таржимачилик ишига зўр иштиёқи билангина белгиланмайди. Шоирона дид,

¹ Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи.-Тошкент: Янг аср авлоди, 2002.-Б.31.

² Бу ҳақида қаранг: Исматуллаев Х. Чўлпон ва жаҳон // Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 1998.-№ 4.- Б.134-137.

нафосат, зехн, зийраклик, укувга эга бўлмаса, ундай таржимондан ҳақиқий санъат асари кутиш амри маҳол”¹.

Юқоридаги ўғирмаларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида туркиялик таржимон фойдаланган сўзлар Азам Обидов ва Эдворт Олвортникига нисбатан аслиятдагига маъно жиҳатидан анча яқин, шоир руҳиятига мос талқин қилинганлиги намоён бўлди. Лекин, бу ерда асосий гап сўзнинг аслиятдаги маънога яқинлигидагина эмас, балки ўша сўзда ифода топган маъно ва у юзага келтирувчи ҳис – ҳаяжоннинг асар руҳиятига уйғун ва мутаносиб эканлигидадир. Турк таржимони ва Мел Кенне таржималарида бундай ўринлар кўп учрайди.

Чўлпон поэзиясининг камолотга етган даврларида яратилган “Кўнгил” шеъри таржимаси хусусида ҳам тўхталишни лозим топдикки, зеро таржима таҳлиллари шоир шеърларининг келгусида инглизчалаштиришда кичик бир манба вазифасини бажаради деб умид қиламиз.

Маълумки, ҳар бир таржима мутаржим дунёқараши, муаллиф бадиий олами билан бирикиб, ўзига хос бадиий-эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Таржимон ва шоир руҳий олами муштараклиги, яқинлигида таржиманинг ўзига хос вариантлари вужудга келади.

Чўлпоннинг «Кўнгил» шеърини ҳам уч мутаржим уч хил йўл билан бир тил (инглиз)га тўлиқ ўгирган. Улардаги услубнинг ўзига хослиги, бирининг иккинчисига ўхшамаслиги, бир томондан, уларнинг таржима соҳасида индивидуал таржима услубига эга эканлигини кўрсатса, бошқа томондан, буюк Чўлпон шеърининг уч хил кўринишда инглизчалаштирилиши шоирнинг ўз давридаги изтиробини, оғир руҳий ҳолатини, ички дунёсини, замондошлари қалби қаърида чўғ бўлиб ётган, лекин очик айта олмаган дарду аламларини янада теранроқ англаш имконини беради.

¹. Жўраев Қ. Таржима санъати.- Тошкент: Фан, 1982.-Б.31.

Муайян шеърнинг бир муаллифга тегишли эканлиги ва бир шеърнинг бир хил тилга – инглиз тилига таржима қилинганлиги сабаб улар орасидаги жиддий тафовутни кўз илғаш мушкул.

Ҳар учала таржимон шеърнинг асосий мазмунини сақлаган. Сатрлардаги моҳиятни ўз маҳорати, тушунчасига мос ўгирган ва ҳар қайси таржимада ўзига хос ютуқлар, шунингдек, камчиликлар ҳам мавжуд. Лекин мисраларга юклатилган маънони таъсирчан ифодалаш мақсадида танланган сўз эквивалентлари, улардаги мазмуннинг ёритилиш доираси ва бадиий эстетик таъсири, образли табиати, энг муҳими, бадиий бўёқдорлиги, аслиятдаги маънони тўлиқ бериш, шеърдаги шакл ва мазмун бирлигини сақлаб қолишга интилиш таржималар ўртасидаги умумийлик билан бирга, муайян фарқни юзага келтирган.

Фикримиз исботи учун шеърнинг биринчи тўртлиги таржимасидан мисоллар келтирамиз:

*Кўнгил сен бунчалар нега
Кишанлар бир-ла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен бунча сустлашдинг.¹*

**Oh my heart! Why do you behave
So amicably toward these chains?
You never weep or writhe in pain,
How can you endure your endless
silence?²**

**Oh, my heart, why do you
Be friend these chains so much?
You neither wail nor lament?
Have you become so lethargic?³**

**What is this? My heart? Why such
With the fitters made you friends?
Neither wail you have nor much
Of the voice? And slowly sense⁴**

Таржимада шеър бадиияти ва мазмунини сақлаб қолишда етакчи бўлган Турк таржимони бошқа мутаржимларга нисбатан адабий тил меъёрларига кўпроқ риоя қилган. Чўлпон лирикасига хос реал воқеликни бадиий ҳақиқат мезонига сингдиришдек бетакрорликни турк таржимони

¹. Чўлпон шеърлари инглиз тилида // Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 1998. -№ 4. -Б.136 (Темур Хўжа ўғли томонидан таржима қилинган).

². Чўлпон шеърлари инглиз тилида // Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 1998. -№ 4. -Б.136 (Темур Хўжа ўғли томонидан таржима қилинган).

³. Буюк Чўлпон шеърляти инглиз тилида / Ўзбек сўзи.- (Ж.Маккейн таржима қилган).2000.-17 март.

⁴. Obidov A. Dream of lightsome dawns. - Tashkent:Yangi asr avlodi, 2001.-English translations of the Uzbek verses. Chulpon, Usmon Nosir (translated by Azam Obidov). P.10.

ушбу шеър таржимасида ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Лекин сўзлар оҳангдошлиги таржимоннинг бошқа таржималарига нисбатан аслиятдагидек ифодаланмаган. Сўзлардаги бадиийликни, ранг-барангликни сақлаб қолишга интилиш Аъзам Обидов ва Жон Маккейннинг баъзи таржималарига ҳам хос. Аслиятдаги “дўст” сўзини Ж. Маккейн ва А. Обидов “friend” “be friend” деб ифодалаган. Турк таржимони эса Мел Кенне ёрдамида “amicably” билан алмаштирадики, айнан шу сўзга хос бўлган бадиий тушунча шеър савиясини сақлаб қолиш билан бирга унинг ихчам ифодаланишини ҳам таъминлаган. “Amicably” бадиий сўз ҳисобланиб, кўп ҳолларда шеърятда қўлланилади. Бундай ўринларни Турк мутаржими вариантларида кўп учратиш мумкин. Шеърнинг кейинги бандларини Жон Маккейн туркиялик мутаржимга яқинроқ услубда инглизчалаштирган. Яъни, танланган сўзлар, уларнинг сатрларда ифодаланиши, қаторлар кетма-кетлиги, шунингдек, предикативликнинг сақланиши каби таржимадаги асосий унсурлар бири-бирини тўлдиради. Маккейн Жон ҳам шеърятдаги мусиқийликни аслиятдагидек ифодалашга интилган.

Аммо ҳар икки мутаржим (Темур Хўжа ўғли, Жон Маккейн) Чўлпоннинг “Кўнгил” шеъридаги оҳангни, ритмни, энг муҳими шеърнинг асосий бадиий воситаси ҳисобланмиш қофияни таржимада муваффақиятли бера олмаган.

Аъзам Обидов шеърнинг шакл ва мазмун уйғунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Шеърнинг бадиий эстетик таъсирини, поэтик ифодавийлигини, ғоявий асосини, унинг шаклига монанд сақлаб қолиш учун мутаржимдан инглиз тилини, шеърят қоидаларини мукаммал билишдек фидокорона меҳнат талаб этилади. Айниқса, шеър жозибаси, жарангдорлиги ва мусиқийлигини таъминлайдиган қофиянинг ғарбона йўсинда ифода этилиши, фикримизча, ўзбек таржимонининг ютуғидир. Шоирнинг “Кўнгил” шеъри бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, унда арузнинг кўпдан кўп мусиқавий элементлари ҳам мавжуд. Мутаржим шеър мусиқийлигини таъминлашга хизмат қиладиган қофиядош сўзларни топа олган. Ритм, оҳанг инглиз тили вариантыда ҳам сақланган. Масалан, мутаржим “such”га “much”ни,

“friends”га “sense”ни қофиядош қилади ва шеърнинг “устуни”ни аслиятга яқин беришга ҳаракат қилади. “Кўнгил” шеърининг қофияланиши аслиятда **а-б-в-б** шаклида. Бу (“interseeting”) *ички қофияланиш* турига киради. Бу қофияланиш сўзларнинг қаторлардаги қўлланиш ўрнига кўра ажратилади. Аъзам Обидов бунинг инглиз тили вариантыда **а-б-а-б** шаклида беради. Қофияланишнинг бундай кўриниши адабиёт назариясида *тўқ қофия* деб аталади. Бизнингча, мутаржим шеърнинг мусиқийлигини, жозибдорлигини янада ошириш мақсадида юқоридаги қофия туридан фойдаланган. Айрим ўринларда, таржимада, Европа шеърлятидаги “клаузула” (сўзлардаги баъзи ҳарфларнинг кучсиз ёки умуман талаффуз этилмаслиги) ҳодисасига мурожаат этилган ўринларни учратамиз. Масалан, **(soul-hobbile)**. Бундай натижалар мутаржимнинг Ғарб шеърляти назариясидан ҳам хабардор эканлигига асос бўла олади. Аммо юқорида келтирилган шеърининг парчаннинг учинчи ва тўртинчи қаторларида қофиянинг сақлаб қолиниши ҳисобига инверсия бузилган. Масалан:

*На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг.
Neither wilt you have nor much
of the voice and slonly sense.*

А.Обидов таржимасида “fitter” сўзи “**занжир, кишан**” ўрнида қўлланилган. Аммо бу сўз юқоридаги маъноларни бермайди, аксинча шу биргина сўз (**fitter**) шеърининг мазмунини, айниқса ундаги бадиий савияни саёзлаштириб юборган. Чунки, **fitter сўзининг** инглиз тилидаги маъноси “**кишан**” сўзига тўғри келмайди.

Фикримизча, мутаржим “**fitter**” га талаффуз ва ёзилиш жиҳатидан жуда яқин бўлган “**fetters**”ни танлаган бўлиши керак. Чунки, айнан “**fetters**” инглиз бадиий адабиётида, кўплик ҳолатида кишан, занжир деган маънони англатади. Шундай катта ишларга қўл уриб, ўзбек шеърлятини дунёга танитиш йўлида изланишлар олиб бораётган ёш мутаржим биргина сўзда адашиши мумкин эмас. Бунинг унинг бошқа таржималари ҳам далиллай олади.

Бир-бирига пароним бўлган сўзларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланишида таҳририятнинг хатоси бўлиши керак.

Аъзам Обидов таржимасидаги ижобий жиҳатлардан яна бири, мумтоз адабиётимизга хос хусусият-сўзларни ноўрин такрор қўлламаслик билан муаллиф фикрини айнан беришга ҳаракат қилишдир.

Таржима маълум бир миллат вакилларига нотаниш бўлган иккинчи бир халқнинг маданияти, сиёсати ва менталитетини таништиришда кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда бадиий асар, маълум маънода “ривожланиш” жараёнини ҳам бошидан кечиради.¹

Бизнингча, Азам Обидов таржимасидаги “ривожланиш” муаллиф шеърдаги бадиий бўёқдорликни аслиятда ҳам гўзал ифодаланишини юзага келтирган.

Юқорида шеърдаги **“кишан”** сўзини мутаржим **“hobble”** ва **“fettters”** билан жуда аниқ таржима қилганини айтиб ўтган эдик. Жон Маккейн, Темур Хўжа ўғли эса биргина **“Chain”** сўзидан фойдаланган.

Шунингдек, шеърда **“тубанлик”** деган сўз учрайди. Темур Хўжа ўғли (Мел Кенне билан биргаликда) ва Жон Маккейн буни **“submission”** билан ифодалаган. А.Обидов эса **“baseness”** шаклида ифодалайди. **“Submission”** ни ўзбек тилида **“қарам”**, **“тобъе”**, **“бўйсунуш”** каби маъноларини учратиш мумкин. Ҳар иккала мутаржим шеърнинг ички моҳиятидан келиб чиқиб **“тубанлик”** учун **“submission”** ни танлаган бўлиши керак. Қайсидир маънода улар ҳақ бўлишлари ҳам мумкин. Чунки, Чўлпон **“тубан кетиш”**ни ўз манфаати йўлида эркини сотганлар, **“завқли ҳаётга”** юрт, миллат хурлигини алмаштирган кимсаларга нисбатан ҳам айтган бўлиши табиий. Лекин **“тубанлик”**ка адекват бўлган инглизча **“baseness”** сўзининг қўлланиши аслиятдаги фикрни янада ойдинроқ ифодалашга имкон яратади. Айнан **“Baseness”**да **“тубанлик”**, **“тубан кетиш”** каби маънолар мавжуд.

Тадқиқотчи Қ.Жўраев ёзишича, **“ёзувчи маҳорати”** ва **“таржимон маҳорати”** деган тушунчалар бир – бирига вобастадир. Улар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, агар оригинал ижодда автор ўз асаридаги объектга

¹ Lawrence V. The Scandals of Translation.- London: Routledge, 1998.-p.161.

биринчи бўлиб киришиб, бадий воқеликни ўз она тили имконияти билан акс эттирса, таржимон бирваракай икки ишни бажаради. Биринчи босқичда, у ёзувчи кетидан бориб, юқорида қайд қилинган маҳорат талаблари асосида асл нусхада тасвирланган объектни қайтадан, худди муаллиф сингари, бадий йўсинда ўзлаштиради; иккинчи босқичда эса, ташқи тилда ўқувчи китобхонни кўз олдига келтириб, ўша иккинчи тил хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таржима текстини яратади. Демак, биринчидан, таржимон асардаги бадий воқеликни билиши, бу воқелик ичига асл нусха автори билан биргаликда кира олиши, муаллиф ва китобхон дилини тушуниш, уларнинг дунёқараши, иккинчи томондан, таржима адабиёти вакили ва ўқувчиси сифатида асл нусхани қайта яратиши лозим бўлади”.¹

Юқоридаги таржима таҳлилида кўрганимиздек, учала таржимон ҳам ўз маҳоратларидан келиб чиқиб, Қ.Жўраев эътироф этган босқичларни босиб ўтган. Ҳар учала мутаржим таржималарида ўзига хос ютуқлар, шунингдек, камчиликлар ҳам мавжуд. Турк таржимони ўзига ёт бўлган тил - инглиз тилига Чўлпон шеърларини муваффақиятли (биргина “Кўнгил” шеъри таржимасининг мазмун ва шакл муштаркалигидаги кемтикликни ҳисобга олмаганда) таржима қилган. Ушбу шеър ўғирмаси билан боғлиқ қонун қоидаларга, таржима талабларига асосланиб, А.Обидов таржимасини аслиятга энг яқин адекват таржима сифатида кўрсатиш мумкин. Ўзбек таржимони шеърдаги шакл ва мазмун мутаносиблигига содиқ қолишга ҳаракат қилган. Мазмун ва шакл бирлигининг таржимада тўлиқ намоён бўлиши ҳақида Қ.Мусаев ёзади: “...Оригиналнинг шакл ва мазмун бирлигини қайта яратишнинг ниҳоятда мураккаблиги баъзи малака ва назарий жиҳатдан унча етук бўлмаган таржимонларни умидсизлантриб қўяди”. Бизнингча, шоир ва таржимон А.Обидовнинг Чўлпон юртида униб ўсганлиги, улар ўртасидаги руҳий яқинлик ва миллий тафаккурнинг муштараклиги ҳам таржимон ўғирмасининг муваффақиятли чиқишига ёрдам берган.

¹ Жўраев Қ. Таржима санъати.- Тошкент: Фан, 1982.- Б. 34.

Таржима иши кўпчилик ўйлаганидек асл нусхани иккинчи бир тилда шунчаки талқин этишдек осон иш эмас. Айниқса, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги тафовутлардан келиб чиққан ҳолда мавжуд бўлган барча соҳалардаги жиҳатлар, яъни миллий колоритни ташкил этувчи миллий дунёқараш, миллий муҳит ва яшаш шароити ҳам ҳамюртларимиз онгида юз берган ўзгаришлар, давр руҳи, яъни қарийб 70 йил аввалги хронотоп билан боғлиқ жиҳатларни таржимада сақлаб қолишдек масъулият бу мураккабликни янада оширади. Шу сабабли ушбу тадқиқотда кўриб чиқилган таржималар ва улардаги баъзи камчиликлардан қатъий назар, улар ўзбек адабиёти, хусусан жаҳид адабиёти тарихида аҳамиятлидир. Таржима халқлар ўртасидаги умумбашарий ғояларнинг тарқалишига хизмат қилиш билан бирга миллатнинг бадиий санъат дурдоналарини дунёга намоён қилади. Миллатлар, халқлар, элатларни бир-бирига яқинлаштиради. Жаҳон маданияти, айниқса сўз санъати юксалишига хизмат қилади.

Мазкур кичик тадқиқот қуйидаги хулосалар чиқаришимизга имкон берди:

1. Чўлпон лирикасининг ўзига хос, бетакрор жиҳати ҳаёт ҳақиқатини, ижтимоий турмуш муаммоларини бадиий эстетик меъёр билан, шеърият қонун қоидаларига путур етказмай, китобхон тафаккури кўзгусида жонли суръатда акс эттириши ва шеъриятдаги бадиий янгиланишнинг байроқдори бўлганлиги билан характерланади;

2. Жаҳид адабиётининг йирик намоёндаларидан бири бўлган Чўлпон ижодини ўрганишга, асарларидан намуналар таржима қилишга бўлган талаб ва қизиқиш йилдан-йилга кучайиб бораётгани, хусусан ўзбек жаҳид адабиёти, умуман ўзбек халқи ҳаёти, маданияти, санъатига қизиқиш халқаро миқёсда ортиб бораётганини кўрсатади;

3. XX аср бошида Туркистон, хусусан Ўзбекистон мисолидаги шарқу ғарб синтезининг намоён бўлиши, унинг жаҳид адабиётига таъсири шу даврда бевосита ва билвосита рус тили орқали кўплаб инглиз, немис, француз ва бошқа халқлар бадииятининг энг яхши намуналарини

Ўзбекчалаштирилиши ёки аксинча, ўзбек адабиётининг шоҳ асарларини инглизчалаштирилиши билан белгиланади.

4. Чўлпон ижодидаги индивидуал услубнинг ўзига хослиги натижаси ўлароқ унинг шеърлари нафақат Америка, балки Европа ва қардош халқлар адабиётшуносларининг ҳам диққат марказида бўлган ва шоир шеърлари жуда кўп тилларга таржима қилинган.

5. Чўлпон шеърларини турли даврларда таржима қилган мутаржим олимларнинг тафаккур тарзи, макони, ўй-фикрлари, шоирнинг шахсий карашлари у яшаган даврдан фарқ қилса-да, унинг бадиий-ғоявий мақсадини таржима тилида асосан аслиятдагидек бера олганлар. Чўлпоннинг “Бас энди”, шеърини инглизчалаштирган Турк таржимони, Э.Олворт ва А.Обидовга нисбатан шоир шеърларидаги нафисликнинг муҳим белгиларини, айниқса, миллий руҳни, асардаги пафосни аслиятдагидек ўгиришга муваффақ бўлганини кўрамиз. Турк таржимони Чўлпон ижодидаги гўзалликнинг лисоний белгиларини таъминлашга, аслиятдаги сўзлар жилосини инглиз тилида аслият билан мутаносибликда беришга муваффақ бўлган.

6. Э. Олвортни жаҳид адабиёти вакиллари ҳаёти ва ижодини жаҳон адабиёти меҳварига олиб чиққан илк Америка олими ва таржимони сифатида эътироф этиш жоиз. Лекин давр адабиётидаги америка мутаржими қаламига мансуб шеърини таржималарнинг деярли барчаси, хусусан “Бас энди” шеъри таржимаси ҳам индивидуал фикр исботи, ҳукмрон мафкура талаблари учун хизмат қилган. Чўлпон лирикасига хос бадиий эстетик мезонлар Олворт таржималарида ифода этилмаган. Олим услубидаги бундай йўналишни унинг тадқиқотларидаги асосий мақсад–сиёсий–мафкуравий ёндашув билан изоҳлаш мумкин. У 60- 70 йилларда жаҳид шеърини намуналарининг деярли барчасини сиёсий-ижтимоий масалалари исботи учун таржима қилган.

7. “Кўнгил” шеърини инглизчалаштирган Турк таржимони (Мел Кенни билан биргаликда), Ж.Маккейн, А.Обидов каби таржимонлар шоир бадиий маҳоратини тўғри идрок эта олган ва ҳар бири индивидуал услубга

(фарқларга) эга эканини таржимада намоён қилган. Уларнинг таржимадаги маҳоратларини ушбу шеър мисолида қиёслаганимизда шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини сақлаб қолиш хусусияти бошқаларга нисбатан А.Обидов таржимасида аслиятга яқинроқ кўринишда мужассам бўлган;

8. Юқорида таъкидланган таржимада учраши мумкин бўлган кемтикликлар бошқа мутаржимлар таржимасига хос бўлса-да, уларнинг бу йўналишдаги меҳнати, эришган муваффақиятлари, ўзбек адабиётининг жаҳон миқёсида ўрганилиши, тарғиб этилиши, ўзбек адабиёти яхлит жаҳон адабиётининг бир қисми эканлигини кўрсатади. Буларнинг барчаси амалга оширилган улкан ишлар қаторида саналмоққа ҳақлидир.

“МУВОЗАНАТ”НИНГ АМЕРИКАДАГИ ТАЛҚИНИ

Муайян бадий асарнинг адабиёт майдонига боқий муҳрланиши, ҳақиқий ижод намунасига даъвогар мукаммал асарлар йўл-йўлакай ёки тасодифан эмас балки кенг қамровли меъзонлар бирлиги асосида яратилади. Шунингдек, бирламчи ҳаёт материали, даврга хос воқеликнинг ёзувчи дунёқараши, психологиясига мос унинг (муаллифнинг) онгида синтезланиши, тасвир ифодасининг ўзига хос шакллари яратиш мана шу боқийликнинг етакчи омилларидан биридир.

Улуғбек Ҳамдамовнинг «Мувозанат» асарини ўзигача яратилган асарлардан маълум даражада фарқ қиладиган, адабиётнинг юксалтириш белгиларини ўзида мужассам эта олган бадий ижод намунаси сифатида қабул қилиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Роман нашр қилингандан бошлаб Матёкуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, У. Норматов, А. Расулов, С. Содик, Д. Қуронов, И. Ёкубов ва бошқа адабиётшунос олимлар, китобхонларнинг турли хил қарашларни ифода қилган мақолалари эълон қилинди. «Мувозанат» бир қанча номзодлик, докторлик диссертациялари учун манба вазифасини ўтади. Қисқаси, асарнинг иқрор ва инқори ўртасида кучли тебранишлар ҳалигача давом этмоқда.

Шундан келиб чиқилса, «Мувозанат» адабий жараёндаги курашчан фикрлар шиддатига таъсир қила олган, китобхон онгини, унинг эстетик фаолиятини кўзғатишига ва кўпдан-кўп баҳс- мунозараларга сабаб бўлган романлар сирасига киради.

Адабиётшунос И.Ёқубов инсон ўзини тушуниши, кашф этиши, англаши орқали оламни ва Яратувчисини идрок эта олиш ҳақиқатининг бадиий ифодасини “Мувозант” романи мисолида кузатиш мумкинлигини айтган эди¹. Аслида олим таъкид этган Ҳақиқат бутун инсоният оламининг мангулигига дахлдор “номаълум Ҳақиқати” дир. Мувозанатда қотган ақл ва кўнгил ўртасидаги адоксиз курашлар, қалб кечинмалари, руҳий азобларнинг ёрқин ранглардаги бадиий ифодаси, Ҳақнинг Ҳақиқатлари моҳиятини тўғри идрок этишнинг бирламчи қонуниятлари ва мураккабликлари каби тасаввуфий қарашлар ижтимоий фикрлар, маиший муаммолар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Муаллиф сўзга янгича муносабатда бўлиш орқали мураккаб символик картиналар, рамзий образларнинг ўзига хос шаклларини яратган.

“Мувозанат” даги мана шундай сифатлар америкалик олима Рейчел Харелни ҳам эътиборсиз қолдирмади.

Рейчел Харрел кўп йиллардан бери Мичиган университетининг Славян Тиллари ва Адабиётлари бўлимида фаолият кўрсатиб, XX аср ва замонавий ўзбек адабиёти, унинг инглиз тилларига таржимаси муаммоларига бағишланган мавзуда докторлик диссертациясини олиб борапти. Мазкур масала билан боғлиқ бир неча мақолалар эълон қилган. У халқаро конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этиб, миллий адабиётимизни жаҳонга тарғиб қилаётган олимлардан биридир. Рейчелнинг фикрича, у ўзбек адабиёти ва шеърятининг ҳақиқий ихлосманди ва мазкур тадқиқот келаси йилга ҳимоя қилиниши режалаштирилган.

¹ Ёқубов. И. Мувозанат эҳтиёжи ва изтироби. Мувозанат.-Шарқ, 2007. Сўзбоши мисолида. Б. 261.

Тадқиқотчининг ўзбек модерн шеърияти ва таржимаси таҳлиliga бағишланган қизиқарли фикрлари мазкур журналда нашр этилиб, китобхонлар томонидан юқори баҳоланди¹.

Харрел хонимнинг *“Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи воқеаси”* номли мақоласи 2007 йил Марказий Евросиё масалаларига бағишланган 8-Халқаро конференциясининг маданият шўбасида ўқиб эшиттирилган².

Маълум бўлишича, Улуғбек Ҳамдамнинг мазкур романи университет профессор ўқитувчилари, америкалик ўзбеклар томонидан катта қизиқиш билан ўқилган ва кафедрада унга бағишланган кенг кўламли семинарлар ташкил этилган.

Тадқиқотчи романнинг бошқа асарлардан фарқи ва қийматини уч муҳим омил билан изоҳлайди: «Замонавий тилшунослик оқимида ёзилган бу асардаги ўзига хос **биринчи фактор** асар қаҳрамонларининг характерларига хос муомила услуби; **иккинчиси**, миллат сифатида ўз- ўзини англаш йўлининг миллий характер муштараклигида ифодаланиши, **учинчиси**, китобхоннинг кўнгил эҳтиёжси сифатида етилган мавзунинг жасорат билан акс эттирилиши натижасида, нафақат кичик балки катта доирадаги (хорижлик) мухлисларга эга бўлганлиги.

Тадқиқотчи белгилаган ҳар учала фактор романнинг асосий сифат белгиси ҳақидаги умумий маълумотни бериши билан бир қаторда олима матнни чекланган, тор қараш ва изоҳлардан йироқ унумли таҳлил қуроли воситасида тадқиқ этган деган тасаввурни ҳам уйғотади. Чиндан асардаги талай образлар- Юсуф, Саид, Миразиз, Заҳро, Амирларнинг фожиавий

¹ Рэйчел Харрел “Кўкламдан кўкламга...” Ўзбек модерн шеъриятини инглиз тилига ўгиришга доир мулоҳазалар.- Талабалар дунёси. 2008. № 1- 2, Б. 8.

² Қаранг: Rachel Harrell. Uzbek Literary Voices in Transition. The Case of Ulug'bek Hamdam's "Muvozanat" ///A paper presented at the 8 th Annual CESS Conference Program HC - 01 crossing Cultural Borders, 2007.

ҳолатлари, зохирий ва ботиний нутқлари китобхон руҳий оламига таъсир ўтказади. Ҳар бир қаҳрамоннинг муомила услуби уларнинг характер мантиғи, психологик ҳолати ва дунёқарашига мос тасвир этилади. Ижодкор турмуш воқеаларини образларнинг руҳий ҳолатлари орқали умумлаштириб беришнинг ўзига хос йўллари кашф этади.

Рейчел Харрел мутахассис сифатида романнинг тили билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратади ва муаллифнинг тилдан фойдаланишдаги қобилиятини қуйидагича баҳолайди: *«Ўзувчининг Тошкент шаҳри диалекти, рус, руслашган ва меъёрий ўзбек тилини баланслаштиришдаги маҳорати унинг тилдан фойдаланиш санъатини намойиш қилган. Туркий неологизмлар, тил қатламлари асосига қурилган чуқур таҳлиллар замонавий ўзбек ҳаётини ёдга солади. Романнинг ўзига хос асарлардан яна бир фарқли жиҳати, - давом этади Рейчел хоним, унинг кенг эпик имкониятларга эга эканлигида кўринади. Унда жамиятнинг турфа қатламларига хос, мустақиллик даврида моддий ва маънавий изланишларда ўз ҳақ- ҳуқуқларини ҳимоя қилишга отланган турли характерлар тасвирланади.»*

Турмушдаги ҳақиқий аҳволни кўрсатишнинг бирламчи шарти жамиятдаги барча табақага мансуб вакилларнинг муаллиф эътиборидан четда қолмаслиги билан ҳам изоҳланади. Асардаги бу жиҳатни Америка ўзбекшуноси ҳам тўғри баҳолаган.

Хорижлик олимлар бадий асар сарлавҳаси, унинг моҳияти, яратилиш тарихи каби масалаларга эътиборни қаратиб, мавзу ва бадий асар ўртасидаги структурал боғлиқлик даражасини белгилашда ҳам ўзига хос йўл тутганлар. Америкалик Сиртаутас¹, Христафор Мурфи² (“Ўткан кунлар”,

¹ Cirtautas, Ilse. The Continuing Importance of Autobiographical Writings in Eastern Turkic Literature//A paper presented at the 1981 Middle East Studies Association Annual Meeting.- USA, 1981.-P.65-76.

² Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University Press, 1980; Muslims in Central Asia/ Ch. Murphy and etc.- Durham-London: Duke University Press, 1992.-P.191-203.

“Меҳробдан чаён”, “Тинч иш”); Э.Олворт¹ (“Падаркуш”, “Қиёмат”, “Шайтоннинг Тангрига исёни”, “Мунозара”,); англиялик Ник Мегоран² (қирғиз ёзувчиларининг Сулаймон тоғ ҳақидаги шеърлари таҳлили билан боғлиқ тадқиқоти); туркиялик Темур Хўжа Ўғли³ (“Падаркуш”, “Мунозара”) каби олимлар ушбу метод асосида жиддий кузатишлар олиб борганлар. Бундай тадқиқот усулининг ўзбек ва қирғиз адабиёти материаллари асосида олиб борилиши адабиётшунослигимизда ҳали кенг тарқалмаган структурал усулнинг назарий асосларини яратилишига маълум маънода манба сифатида хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Бундай ёндашув Рейчел Харрелнинг «Мувозанат» романига бағишланган изланишида ҳам яққол кўзга ташланади. Тадқиқотчи романга танланган мавзуни («Мувозанат-*equilibrium*») **интенсив, шиддатли, таъсирли (ёки таъсирчан) (intence)** ва ниҳоятда кучли (**terryfying**) деб эътироф этади. Унинг моҳиятини бадиий асарда илгари сурилган ғоя ва образлар структурасига муштарак талқин этиб, оригинал қарашларни ифода этади. Олиманинг юқоридаги хулосасини адабиётшунос олимлар Матёкуб Қўшжонов⁴ ва Дилмурод Қуронов⁵ фикрларининг мантикий давоми сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

«Мувозанат» да иккита йирик фалсафа мавжуд. Мувозанатда қолиш ҳам, мувозанатдан чиқиш ҳам инсоннинг фожиаси. Ана шу фожиалар қаҳрамонларнинг ички ва ташқи конфликтлари асосида тафтиш этилади. Демак, ҳамма гап асарнинг сарлавҳаси («Мувозанат») дан бошланади.

¹ Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, 2000; Allworth E. Evading Reality. Devices of Abdarauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist.-Netherlandz: Brill Academic Publishers, 2002.

² Ник Мегоран. Ўш 3000 тантансининг замонавий ижтимоий аҳамияти.- “Жанубий Қирғизистоннинг тарихи, маданияти ва иқтисоди” га бағишланган халқаро конференция материаллари.- Ўш, 2000 йил, 19-20 май

³ Timur Kocaoglu, Türkistan’da Türkçe ilk tiyatro eseri: Mahmud Hoca Behbudi’nin “Pederkuş” (Baba katili) piyesi-1913, Türklük Araştırmaları Dergisi 15 (Ayrıbasım:Marmara Üniversitesi), Istanbul, (Bahar 2004), s185; Timur Kocaoglu. Indian Revolutionaries as Metaphor in Modern Uzbek Literature//Asia Annual.-2004.- pp. 1-23.

⁴ Қўшжонов М. Шиддат билан ёзилган роман. Мувозанат романига ёзилган сўзбоши.- Тошкент: “Минҳож” нашри, 2004.-3-4 бетлар

⁵ Қуронов Д. Сўнгсўз ўрнида. –Тошкент: “Минҳож” нашри., 2004.-198-199 бетлар.

Тадқиқотчи асардаги шиддаткор реализмнинг ундаги реалистик ифодалар имкониятларини кенг кўламли қилиб тасвирланиши билан боғлаб, романнинг бу жиҳатини ҳам ижобий баҳолайди.

Ўзбекшунос романнинг бошқа ижобий сифатларини белгиловчи қатор, иккиламчи ҳолатлар ҳақида тўхталиб, уларни мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қилади¹.

Айни дамда олиманинг «Мувозанат» га бағишланган изланишидаги объектив хулосаларни кадрлаш баробарида унинг таҳлилидаги айрим субъектив даъволарга муносабат билдиришни лозим топдик.

Асарнинг 54 - бобида Абдулланинг ўлим тасвири ифодаланган. Гўдакнинг фожиали ўлимини Рейчел хоним Юсуфнинг шифокор буюрган дориларга пул тополмаганлиги билан изоҳлайди. *«Юсуф Тошкентга ярим кечада, дарғазаб ҳолатда етиб келса ҳам, ўгли учун шифокор кўрсатмасидаги дориларни олишга пул топа олмади, натижада Абдулла ҳалок бўлди. Ўғлининг ўлими Юсуф ва Захро муносабатларига якун ясади.»*

Лекин асарда Юсуфнинг жигарбанди дорига пул тополмаслиги натижасида эмас, балки минг машаққат билан олиб келинган дориларнинг вақтида берилмаганлиги оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмди². Шунингдек, Абдулланинг ўлими Юсуф ва Захро муносабатларига эмас, балки Юсуф ва Ойгул ўртасидаги риштанинг узилишига сабаб бўлди³.

Эътибор бериб қаралса, муаллифнинг бадиий - ғоявий мақсади ва тадқиқотчи талқини ўртасидаги тафовутлар бир -бирига бутунлай зид қарашларни юзага келтирадики, улар устида чуқур ва атрофлича мулоҳаза юритиш лозим бўлади.

Яна бир мисол.

¹ Қаранг: Rachel Harrell. Uzbek Literary Voices in Transition. The Case of Ulug'bek Hamdam's "Muvozanat" ///A paper presented at the 8 th Annual CESS Conference Program, HC - 01 crossing Cultural Borders, 2007.

² Ҳамдам Улуғбек. Мувозанат. Роман / Сўнгсўз ўрнида: М. Қўшжонов.- Т.: "Минҳож" нашри., 2004.-Б. 107.

³ Шу манба. Б. 114.

Рейчел Харрел «Юсуфнинг институтга қайтиши билан роман оптимистик руҳда якунланса- да, жамиятдаги ахлоқий емирилишга олиб келган турғунлик ва жаҳолатга етарлича жавоб бўлмайди» деган фикрни айтади.

Америкалик тадқиқотчининг ушбу кескин хулосаси, менинг назаримда, муаллифнинг ғоявий - бадиий мақсадига уйғун эмас. Тадқиқотчининг асар талқини билан боғлиқ бу хилдаги сиқик хулосаларини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин, деб ўйлаймиз:

биринчидан, Америка ўзбекшуноси «Мувозанат» да касб этган мажозий ўринлар, рамзий ифодаларни тўлалигича идрок қила олмаган;

иккинчидан, шарқ ва ғарб ўртасидаги турфа мушоҳада тамойиллари, ўртадаги узоқ масофа ва шунингдек, ғарбча тафаккур тарзи роман моҳиятига чуқур кириб бориш имконини бермаган;

учинчидан, асарни ўқиш жараёнида унда акс этган бадиий ҳақиқат мантиғи ҳақида эмас ўз тасаввуридаги «ҳақиқатлар» тўғрисида фикр юритган;

тўртинчидан, умуман, деярли барча хорижлик, ўзбек адабиёти билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бораётган олимлар изланишларидаги баъзи субъективлик ва заиф нуқталарнинг асосий сабаби айрим ҳолатларда белгиланган концепцияга ортиқча оғишлари ва бадиий асарни муайян мақсаддан келиб чиқиб таҳлил қилиши оқибатидир.

Жиддий ижод намунасини бадиий тасвир воситаларсиз, сўзларнинг иккинчи сезилувчи маъноларисиз, мажозий образларсиз тасаввур қилиб бўлмайди ва муаллифнинг ҳаёт воқеаларини бадиий акс эттиришдаги индивидуаллиги айнан мана шу тасвир ифодаларнинг ўзига хос йўлларини кашф этишилиши билан белгиланади.

Асардаги бош образ - Юсуфнинг ўз иш ўрнига қайтиши билан муаллиф ҳаётнинг жиддий, ижтимоий- фалсафий ғоясини илгари сурган. Олам мувозанатининг бузилишига йўл қўймайдиган, дунёда уйғунликни тутиб туришга қодир улуғ инсонлар Юсуф тимсолида гавдалантирилган. Айнан

Юсуфнинг ўз ўрнига қайтиши дунё мувозанатига бўлган ишончга бир ишора. Нега Миразим Юсуфни кўрса таскин топади, Захро Юсуфдан куч олади? Аслида, ҳар бир инсон ботиний ва зохирий мувозанатга муҳтож. Юсуф каби инсонлар бор экан, олам мувозанати йўқолмайди, у ўз ўқи атрофида айланаверади.

Демак, бош образнинг қайтишини фақат ёзувчи яшаётган юрт, уни шакллантирган диёр ёки уни севган миллатга дахлдор ижтимоий-маиший муаммоларга боғлиқ таҳлил этиш сиқик ва примитив (оддий) мантикқа ососланишдир. Чунки Юсуф аслида инсоният, олам мувозанатини, рамзий маънода Дунёни (Олам) ни ушлаб (тутиб) турган Мувозанат тимсоли.

“Мувозанат” да тасвирланган ҳар қандай воқелик фақат ташқи хусусият, ягона аломат билангина боғлиқ эмаслиги; тоталитар тузум ва ўтиш давридаги оғир турмуш воқеаларини бадий ўзлаштириш, уларни замондошларнинг ички дунёси, рухий олами орқали атрофлича тафтиш этишда кенг имкониятли рамзий образлардан фойдаланишнинг ўзига хос усуллари; жой номлари, танланган исмлар қаҳрамонларнинг ички ва ташқи конфликтларида чуқур мажозий маъно касб этганлиги; энг муҳими, **Олам мувозанатининг асоси, унинг меъёрини таъминлаш вазифаси юкланган улуг инсонлар қисмати** чуқур бадий - фалсафий мазмунда ифодаланган асар эканлигини алоҳида таъкид этиш зарур деб ўйлаймиз.

Асардаги Улуғтоғда ҳам чуқур рамзий маъно яширинган. Юсуфнинг болалигидан Улуғтоққа интилиши инсоннинг ҳар доим улуғликка талпинишининг рамзий ифодаси. Аммо қаҳрамон унга етолмайди. Бу мангу йўл.

Инсон яралибдики тақдир унга «танлаш» имконини таклиф қилади. Романда ҳам Юсуф ана шундай танлов – икки йўл бошидан чиқиб қолаверади (худди эртак қаҳрамонларидек): аслида бу инсон умри синовлари, мувозанатда қолиш ва уни йўқотишнинг бошланғич нуқтаси, ҳаёт фалсафасининг асосий моҳиятидир.

Қийшайиб қолган деворга тиргович қўяётган Содиқ ҳолатини эсланг: **«Содиқнинг уст боши, ҳатто юз-кўзлари, бошидаги эски, бир қулоғи ипсиз шалпайиб турган телпагигача лойга ботган...»** шароитнинг образга таъсири емирилаётган тузумнинг қулаши ва янги жамиятнинг барпо этилишига муштарак талқин этилган. **«Қолганим бузиб ташлаб, янгитдан кўтармасанг бўлмайди»**, Юсуф тилидан айтилган бу биргина жумла узок йиллар чуқур томир отган советлар ҳокимиятини илдиз - илдизи билан йўқотиб, мустаҳкам янги тузум қуриш лозимлигига ишора бор.

Агар эътибор бериб қаралса, ёзувчи кўзлаган мақсад асарда яхлит тарзда акс эттирилган. Муаллиф ижтимоий - иқтисодий ва маиший муаммоларнинг бадиий инъикосини ҳар бир кичик эпизод тасвирида романнинг умумий ғоясига уйғун рамзий образлар билан узвий боғлиқликда китобхон ёдига солиб туради.

Образларга танланган исмларда ҳам мажозий маъно мавжуд. Ҳалима ая- кўнгилчан, юмшоқ, кек сақлмайдиган аёл, Ҳалимлик рамзи; Одил ака – ҳар қандай вазиятда тўғри фикрлайди ва одил ҳукм чиқарадиган оила бошлиғи - Одил ҳукмронлик тимсоли. Амир- Оллоҳ амрини муккасидан кетиб адо этадиган бузуқ эътиқод рамзи.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек асарларининг Америкада ҳам қизиқиб ўқиладигани, улар ҳақида салмоқли илмий тадқиқотлар олиб бориладигани эътиборга лойиқ ҳодисадир.

Хусусан, Америка олимасининг «Мувозанат» романи таҳлилига бағишланган тадқиқоти (айрим субъектив тамойиллардан қатъий назар) асарнинг ўзбек адабий танқиди эътибор қилмаган жиҳатларини кашф қилиши билан ҳам қадрли. Қолаверса, бундай ишлар ўзбек романларининг халқаро миқёсда тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этиш жоиз.

ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР¹ ЁРДАМЧИ ОБРАЗЛАР МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

Маълумки, воқеликни санъат ва адабиётда образлар воситасида акс эттириш ҳақидаги қарашлар Арасту замонларидан бошлаб мавжуддир. Образ тушунчаси ўз характери ва мазмунига кўра ғоятда мураккаб ва **кенг** камровли тушунчадир.² Унинг **кенг** маънодаги асосини объектив воқеликнинг инсон онгидаги у ёки бу тарздаги инъикоси ташкил этади. Бизнинг эстетик онгимиз ўз табиати ва функциясига кўра санъат ва адабиётда ҳаётни ўзига хос бадий шаклда акс эттиради. Шу маънода бадий адабиётдаги образ атамаси инсонга нисбатан қўлланилиб, асарда тутган ўрни ва вазифаси, жанрли модификациясига кўра фарқланади. Зотан муайян бадий асардаги образлар ижодкор тафаккури, эстетик идеали, фантазияси, дунёқарашининг бадий умумлашмаси ўлароқ асар ғояси муштараклигида вужудга келади. Инсон тасвир объекти бўлишига қарамасдан, ўз табиати, тафаккури ва психологик оламига кўра мудом ўзгариш ва силжишларга мойил яратикдир. Қолаверса, санъат ва адабиётнинг инсон образини тасвирлашдаги имконият ва воситалари ҳам ижтимоий даврнинг маданий-эстетик тафаккурига мутаносиб тарзда мукаммаллашиб бориш хусусиятига эгадир.

Демак, муайян даврдаги сиёсий-ижтимоий вазият тақозоси туфайли амалда бўлган адабий-эстетик мезонлар ижодкорлар ғоявий-бадий мақсадининг туб негизларига ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас эди. Эҳтимол шунинг учундир, XX асрнинг 80-йилларигача бўлган ўзбек адабиётида юзага келган айрим асарларни кузатар эканмиз, уларда рус кишиси образини бадий адабиётга олиб кириш анъана тусини олганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мазкур даврда Туркистондаги сиёсий-ижтимоий вазият бу ҳолатнинг табиий жараёндан иборат бўлганлигини тасдиқлайди. Иккинчи бир

¹ Биз хорижлик деганда Америка ва Англия олимларини назарда тутамиз.

² Н. Хотамов, Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати.-Тошкент, “Ўқитувчи”, 1983.-Б.218.

жихатдан, рус кишиларининг асарлардаги бадиий инъикоси замирида муаллифнинг кенг қамровли ижтимоий, бадиий-ғоявий мақсади ётади. Шунингдек, бунинг сабабларини қуйидагилар билан ҳам изоҳлаш мумкин: **биринчидан:** ижодкор яшаган ёки унинг асарларида акс этган шароит бошқа персонажлар қаторида рус образи билан ҳам узвий боғлиқ бўлган. Даврнинг ҳар бир вакилини типиклаштириш асарнинг реаллигини, муаллиф қарашларининг объективлигини таъминлаган; **иккинчидан,** марказий Осиё, хусусан Туркистонда истиқомат қилган русларни замондошлар сифатида талқин қилиш замонга оғувчи ижодкорлар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланган; **учинчидан, образ ғоядан кўра кенгроқ имкониятга эга** бўлганлиги учун рус кишиси образи ҳам бошқа характерлар қаторида матннинг, муаллиф ижтимоий -бадиий ғояси тарғиботининг асосий механизмларидан бири ҳисобланган.

Мазкур жараёнини изоҳлаган Э.Олворт Баҳбудийнинг “Падаркуш” драмасидаги Лиза образига нисбатан ўз муносабатини билдирад экан: “Бадиий асардаги рус образи муаллифнинг сиёсатдаги тажрибаси ва ижтимоий раҳбар сифатидаги қобилиятини акс эттиришда восита бўлган. Баҳбудий Лиза образида, барча эътиқодли мусулмонларга ёт бўлган, аёлларини жирканч иллатлардан ҳимоя қиладиган ва уйда сақлайдиган, уларда нафрат, жирканч уйғотадиган, русларнинг бир вакили - типик образини кашф қилди”,-деб ёзади.¹ Кўринадики, олим образни баҳолашда муаллиф дунёқараши ва асар яратилган даврдаги халқ психологиясига асосий диққат қаратади. “Падаркуш” драмасининг маърифий-маиший тарғиботни кўзловчи сахна асари эканлигини назарда тутаяди. Г.Ж.Дакшлегир тадқиқотларида² бадиий адабиёт бағрида мавжуд бундай образларга нисбатан этник гуруҳ сифатида, «ёппасига мустамлакачилар» деган назар билан қараш тенденцияси устунлик қилади. Зотан 60-йилларнинг иккинчи

¹. Allworth E. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama//Ural-Altaic Year-book.-58(1986),pp.65-95;

². G. J. Dakhshleiger. The Theme of the Friendship of Peoples in Soviet Historical Research. Asia in Soviet Studies. ed. B. G. Gafurov (Moscow: Nauka Publishing, 1969.pp. 249-250.

ярмида икки тузум ўртасида авж олган ғоявий-мафкуравий кескинлик, ўша даврнинг маҳсули бўлган Г.Ж.Дакшлегир эстетик қарашларга ҳам ўз сиёсий муҳрини қўймаслиги мумкин эмас эди.

А.Холиднинг таъкидича, ”жадид адабиётида руслар сокин, хотиржам образ сифатида иштирок этади. Улар жадид танқидчилигида контрапункт (кўп овозлилик ёки кўп жиҳатларга эга бўлишлик-З.М) вазифасини бажариб, Марказий Осиёда вужудга келаётган ҳақиқий ватан ҳимоячиларининг образини ёритишга, жамият учун муҳим бўлган зарур кишилар характерини акс эттириш ва уларни ҳимоя қилишдаги жиҳатларни ифодалашга хизмат қилади”¹. Энди бу ўринда образга қараш бир қадар кенгроқ миқёс касб этаётгани, характер тасвиридаги полифония масаласига аҳамият қаратилаётганлигини кузатиш мумкин бўлади.

Эден Наби рус характерига муносабатнинг бадиий инъикоси муаммосида муаллифларнинг симпатия ва антипатияларини даврдаги колонизациялаштириш жараёни билан боғлайди. Марказий Осиёда мустамлакачилик офатларининг бир оз сусайиши билан бадиий адабиётда ҳам уларга муносабат ижобийлашганлигини таъкидлайди². Шунингдек, Чор давридаги русларнинг фаолиятини тасвирлашда уларга муносабат тўқима образларнинг иқтисодий категорияларига кўра фарқланишига асосланганлигини, айнан шу хилдаги тўқима образлар цензура томонидан ижобий баҳоланганлигини айтиб ўтади³. Бизнинг назаримизда, олимнинг фикр-қарашлари ижтимоий-иқтисодий факторларга таяниши, ёзувчи эстетик идеали муаммоси билан боғлиқлиги, характерларни ижобий ёхуд салбийга ажратиши жиҳатидангина эмас, балки муаллиф тасвирлаётган образига

¹. Russia's Orient. Imperial Borderlands and Peoples, 1700-1917/ M.Khodorkovsky, Y.Slezkine, E.J.Lazzerini, A.Khalid and etc.; ed.Daniel R.Brower and E.J.Lazzerini.- Bloomington: Indiana University Press, 1997.-P.189.

². Naby E. Transitional Central Asian Literature: Tajic and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932.-Columbia University.1975. - p. 168.

³. Naby E. Transitional Central Asian Literature: Tajic and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932.-Columbia University.1975. - p. 169.

нисбатан бетараф позицияда туриши ҳам мумкинлигини назардан қочириши билан ҳам анча примитив мантиққа таянади.

Адабиётшунос Т.Бобоев бадиий асарда ҳар бир персонаж «образлар системасида мустаҳкам ўрнига, бажарадиган вазифасига, ўз ғоясига эга. Чунончи, Петровсиз Йўлчи онгида юз берган туб сифат ўзгаришининг моҳиятини англаш мумкин бўлмасди...» деган қарашни илгари суради.¹ Олимнинг наздида Йўлчининг ҳаракат-кечинмалари, тафаккур тарзи туб сифат ўзгаришларга учраган. Бу ўзгаришлар эса унинг ўз замонаси илғор фикрли интеллектга айланишида намоён бўлган. Йўлчи ижобийлашувида эса ёрдамчи персонаж саналмиш Петров образининг муносиб ўрни бор. Гувоҳи бўлганимиздай, Т.Бобоевнинг қарашларида шўро адабиётшунослиги, хусусан соцреализм аталмиш методнинг турғун ақидаларига эргашиш яққол намоён бўлади.

Агар биз бу фикр-қарашларнинг юзага келган йилларига хронологик тарзда нигоҳ ташласак: Г.Ж.Дакшлегир (1969), Эден Наби (1975), Т.Бобоев (1976), Э.Олворт (1986), А.Холид (1997) санъаларинини кузатишимиз мумкин бўлади. Бу ҳол бизга Г.Ж.Дакшлегир тадқиқотларида бундай образларга нисбатан нима учун этник гуруҳ сифатида қаралгани, Эден Наби фикр-қарашларида ижтимоий-иқтисодий факторлар ҳамда ёзувчи эстетик идеали муаммосигагина диққат қаратилиши, Т.Бобоевнинг соцреализм методи турғун ақидаларини ёриб чиқа олмаслиги, Э.Олворт дунёқараш, халқ психологияси ва маърифий-маиший муаммоларга, А.Холид характер тасвиридаги полифония масаласига эътибор бергани сабабларини ойдинлаштиргандай бўлади.

Демак, Ғарб “советолог” лари адабий-эстетик қарашларида ижтимоий-сиёсийликдан эстетик меъзонлар сари силжиш жараёни кечган. Бизда эса негадир кейинги йилларда мазкур масалага нисбатан кам аҳамият берилган. Шубҳасиз, бунинг ўзига хос сабаблари, муайян эстетик қонуниятлари ҳам

¹. Бобоев Т. Замон ва қаҳрамон.- Адабиёт ва санъат нашриёти: Тошкент.-1976.-Б.53

бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ оқибат шундан иборатки, интеллектуал қаҳрамон шаклланишига воситали таъсир этган образлар моҳиятига хос жиҳатлар ҳануз назарий жиҳатдан етарлича асосланмай келмоқда.

Бизнингча, биринчидан, бадиий адабиётимизда мавжуд бундай образлар узоқ йиллар давомида тўлиғича сиёсат ва мафкура билан боғлиқ тарзда биртомонлама талқин этилган. Кези келганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рус халқи ва бадиий адабиётдаги рус кишиси образлари ўртасига зинҳор тенглик аломати қўйиш мумкин эмас. Бу ғоятда муҳим, айтиш мумкинки, методологик аҳамиятга молик жиҳат нафақат ўзбек адабиёти, балки рус ва жаҳон адабиёти маъносида англашилганида ҳам ўзгармас қонуниятдир.

Иккинчидан, бу типдаги персонажларга ёндашиш тамойилларида муайян меъёрлар ишлаб чиқилмаган. Бунинг натижасида эса образга ёндошувларимизда гоҳ манфий, гоҳида эса мусбат томонга ортиқча тамойил бўлиш, талқинда эса иқдор ва инкор ўртасида тебраниш жараёни кечган. Бошқачароқ айтганда, бизнинг муносабатларимиз ижтимоийлик ва бадиий-эстетик меъзонлар аро аросатда бўлган.

Камтарона кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Бехбудий «Падаркуш» драмасидаги Лиза образини яратиш орқали ўз мақсадли концепциясини ифодалашга муваффақ бўлган. Аммо кейинчалик бу типдаги персонажлардан асар сюжетида фойдаланиш ҳукмрон мафкура томонидан сиёсий талаб мақомини касб этган. Аста-секин бу ҳолат адабий кўникма даражасига кўтарилган. Шунга қарамасдан, XX аср адабиётида яратилган бундай персонажларга яқраб қиёфада ифодасини топган стандарт стереотиплар деб қараш ҳам бир қадар соддалик бўлур эди. Чунки Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи, Ғ.Ғуломнинг «Нетай», Ойбекнинг «Болалик» қиссалари мисолида кузатганимизда ҳам ўз қиёфаси, инсоний-руҳий кечинмаларига эга бўлган талай эпизодик персонажлар бош қаҳрамон характери шаклланишида муҳим қўзғатувчи омил, воқеа сюжетида муайян суръат бағишловчи восита вазифасини бажаришининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Мария (Марьям) Острова жамиятда на сиёсий на иқтисодий категорияга эга, лекин муаллиф бу рус аёли образи орқали нафақат муайян миллат, балки барча замонавий аёлларнинг ҳам реал вазият сабаб жиддий муаммолар гирдобига тушиб қолишини ижтимоий ҳаёт қонуниятларига мос тарзда ифодалаш йўлидан боради. Шунингдек, Мирёкуб характерининг шаклланишини ҳам айнан шу персонаж таъсири билан боғлиқликда инкишоф этади. «Падаркуш» ва «Кеча ва кундуз» романларидаги Лиза ва Мария Острова образлари зоҳиран қаралганида фоҳиша сифатида тасвир этилса ҳам, даставвал ҳар бир асарнинг жанр талаблари, муаллифларнинг кўзлаган мақсади, у ёхуд бу асар моҳиятида тутган ўрнига кўра улар бир-биридан фарқланадилар. Айни пайтда ҳар бирининг талай бетакрор хусусиятлари ҳам мавжуд.

Мария Острованинг номерга келиб қолиши шартлилик ва вазият тақозоси. Ўз содда мантиғига кўра: «Унга бир ярим минг сўм пул керак, шуни топади, сўнгра йироқ бир мамлакатга кетади» Муаллиф мана шу аниқ вазият асосида Мария Острова образида аёлларнинг ички дунёси, психологияси, руҳий ҳолати, ҳатто ўй фикрларини ҳам ишонарли тарзда ифода этади. Мазкур образ ботиний нутқи орқали унинг характерига хос-оғир, вазмин маънавий дунёсини ҳам кўриш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, у ўз ижтимоий-типологик қобиғига ўралашиб қолмаган аёл образининг ўзига хос намунаси. Чўлпон эстетик идеаллари романида акс этган бадиий маконга айнан шундай, яъни нисбатан мужаддид аёл образини олиб киришни тақозо қилар эди. Бинобарин, Маря Чўлпон мантиғига ҳам мос тарзда тасвирланган.

Асқад Мухторнинг «Опа сингиллар» романидаги Ефим Данилович Надеждин каби образлар эса ўз характер белги-сифатларига кўра гоҳ мусбат, гоҳ манфий белгилари билан турли хил қиёфада намоён бўладилар. Улар марказий ёки эпизодик персонажлар сифатида бир бутун, яхлит образлар тизими билан узвий боғлиқликда ҳаракат қилишади. Шубҳасиз, «Қутлуғ қон» романидаги Петров сингари айрим образлар бадиий адабиётимизга ўша давр

мафкураси билан ҳисоблашиш зарурияти сифатида сунъий равишда киритилган. Англашиладики, образлар таҳлили ва тадқиқи жараёнида бадиий матнга таянган ҳолда уларнинг асл моҳиятидан келиб чиқиш энг оқилона йўлдир.

Хуллас, миллий истиқлол мафкураси ва янги маданий эстетик тафаккурнинг шаклланиши туфайли талқин жараёнида ҳам сифат ўзгаришлари пайдо бўлди. Яъни бадиий меъёрларимизда ҳам мислсиз силжиш жараёни юзага келди. Бу эса бизга интеллектуал образ шаклланишига воситали таъсир этган персонажлар моҳиятини англаш имконини бериши шубҳасиздир.

ХОРИЖ ОЛИМЛАРИ* ИЗЛАНИШЛАРИДА ИЖТИМОЙ-БАДИЙ СИНКРЕТИК ТАҲЛИЛ ПРИНЦИПЛАРИ

Муайян асарнинг бадиий –эстетик тушунчалари моҳиятини англаш билан бирга унинг ижтимоий шаклини идрок этиш ҳам адабиётшунослик илмининг вазифалари қаторига киради. Чунки, бадиий асар ядроси, шунингдек, структурал элементлар (мавзу, символ, сюжет ва характер) да ижодкорнинг ижтимоий – бадиий мақсади уйғун ҳолда акс этади. XX аср ўзбек адабиётининг энг сара намуналари, хусусан Абдулла Қодирий, Чўлпон романлари поэтикаси ҳам реал воқелик ва ҳаётий фактлар моҳияти асосида юзага қалқийди.

XX аср сўз санъати намуналарини сиёсий – ижтимоий, бадиий –ғоявий мезонлар асосида тадқиқ этиш, америка олимлари тадқиқотларидаги асосий принциплардан биридир. Уларнинг таъкидлашича, бундай таҳлил методи *тадқиқотлар қийматини ошириши билан бирга адабиётнинг шунчаки бўшлиқда яратилмаганлигини далиллайди.*¹

* Япония ва Америка ўзбекшунослари назарда тутилади.

¹ Micallef Roberta Maria. The Role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction : The Case of Uzbekistan. USA: University of Texas, 1997. P 15.

Хориж олимлари изланишларидаги бадиий – ижтимоий синкретик тадқиқни юзага келтирувчи омиллардан бири асарнинг ташқи шакли ҳисобланади. Христафор Мурфининг таъкидлашича, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги “эпилог” Юсуфбек Хожи ва Ўзбек оғим оиласининг вайрон бўлганлигидан далолат бериши билан бирга муаллиф асарда ижтимоий муаммога мурожаат қилганлиги, билан боғлиқ қарашларни муҳрлайди ҳам.¹

XX аср ўзбек адабиётини хронологик, ижтимоий – ғоявий, бадиий эстетик синкретизм нуқтаи назаридан монографик планда таҳлил қилган, Э.Олвортдан кейинги ягона Америка тадқиқотчиси Роберта Мария эса романдаги **пролог** хусусида тўхталиб, унда ёзувчи кўзлаган муҳим ижтимоий мақсад (*мозийдан узилиб қолган жамият ўтмишига эътибор бериши зарурлиги, ўтмишсиз келажак яратиш бўлмаслиги, тарихдан воз кечмай уни ислоҳ қилиш орқали янги ҳаётга, жамиятга, тузумга эришиш зарурлиги, ўзбек адабиётининг мумтоз мавзуларини янги талқинда янги аудиторияга (китобхонларга) тақдим этиш лозимлиги, хонлар ўртасидаги ўзаро жанглار большевиклар учун қўл келиши ва оқибатда Марказий Осиё халқлари учун ‘қора кунлар’ бошланиши мумкинлиги*) концептуал тарзда акс этганлигини таъкидлайди.²

Маълумки, бадиий асардаги **пролог** ва **эпилог** одатий сюжет бирлигидан ташқарида жойлашган, ёзувчи ижодий приёмидаги ўзига хос хусусиятдир. Бу структурал элемент асосида ҳам муаллифнинг бадиий – ғоявий, ижтимоий - сиёсий мақсадининг синкретик шакли мужассамлиги икки америка олими тадқиқотлари асосида аён бўлади. Анъанавий ҳикоячилик структурасига қўшилган бу янги элемент, бадиий воқелик асосидаги ижтимоий тасаввурларни тиниқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчининг бу методи унинг сиёсий –ижтимоий муаммога

¹ Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University Press, pp. 125-126.

² Micallef Roberta Maria. The Role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction : The Case of Uzbekistan. USA: University of Texas, 1997. P.33.

мурожаатининг эҳтиёткорона усули ҳамдир. Аслида романдаги етакчи қаҳрамонларнинг фожиавий ўлими, ёки уларнинг пароканда бўлиши Туркистон келажагининг барбод бўлишига ишора. Муаллифнинг пролог ва эпилогдан фойдаланиш методи нафақат филологик тадқиқот эгалари балки, оддий китобхоннинг бадиий асар тўб моҳиятини англаш билан боғлиқ ижтимоий - эстетик тушунчасини қўзғатиш учун ҳам хизмат қилган.

Христафор Мурфи ва Роберта Мария бадиий асар шаклини ўрганиш билан ёзувчи дунёқараши асосида унинг усулубидаги ўзига хосликни кашф қилган. Тадқиқотларидаги бу нозик кузатишлар Қодирий романлари табиатининг асл сир – синоатини очишда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Хориж ўзбекшунослари изланишларидаги ижтимоий–бадиий синкретик тадқиқни юзага келтирувчи навбатдаги омил муайян матнни тарихийлик принципида, манбашунослик характери нукта назаридан тадқиқ этиш билан белгиланади. Улар муайян воқеликни макон ва замон нуктаи назаридан тадқиқ этиб, даврдаги индивидуал жиҳатларни муаллиф асарларига таъсири даражасини белгилаш ва бундай тадқиқ принципи воситасида бадиий асар замиридаги ижтимоий тушунчалар мантиғини тўлалигича фош қилиш йўлидан борадилар. Америка олимлари Э.Олворт, Х.Мурфи, Р. Майкелеф ва япон фитратшуноси Х. Коматсу бадиий асарни ёзувчининг назарий мушоҳадаларидан кўра кўпроқ амалий фаолияти асосида яратилганлигини даврдаги асосли фактлар орқали изоҳлашга ҳаракат қиладилар. Бундай тадқиқот усули ижтимоий–синфийлик бадиий – эстетиклик билан мунтазам узвий алоқадорликда, тарихий- ижтимоийлик бадиий асар яратилишининг муҳим омилларидан биридир деган қарашларни бирмунча ойдинлаштиради.

Америка олимлари тадқиқотларидаги ижтимоий-бадиий синкретик тадқиқ принципи муҳим бадиий элементлардан бири ҳисобланган характерлар воситасида ҳам юзага келади. Бунда образнинг символик табиати асосида унга юклатилган ижтимоий вазифалар тадқиқ этилади. Маълумки, символизм XIX аср охири XX асрнинг бошларида ижтимоий–сиёсий мақсадларни ифодалаш учун юзага келган. Унинг ўзбек адабиётида

зухрланиши жади́дларнинг шаклланиш даврига яқин. Шу жиҳатдан америка олимларининг ўзбек жади́д адабиёти намуналарини мукамал тушунишдаги бу таҳлил принципи ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди.

Роберта Мария “Ўткан кунлар” романидаги Юсуфбек Хожи образи жамиятда сиёсий мавқега эга бўлса-да, у оиланинг ички муаммоларини ҳал қилишда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, гунг ёки ўлик. Бу образ (гунг ота образи) ўзгараётган структурал тузумнинг рамзий ифодаси деган фикрни айтади.¹ Бу ўринда Америка олимаси Отабекни иккинчи марта уйлантириш билан боғлиқ воқеада Юсуфбек Хожининг таъсир кучи заифлигини назарда тутаётган бўлса керак. Ўзбек адабиётшунослигида Юсуфбек Хожи образи ҳақида турли хил фикрлар билдирилган, лекин кўринадики Р. Макеллеф берган таъриф улардан кескин фарқ қилади. Образни символлаштириш воситасида даврдаги сиёсий –ижтимоий муҳитга муаллиф муносабати ва роман моҳиятидаги ижтимоий мақсаднинг ошкорлашгани кузатилади. Николай Николаевич Рубцов бадий образ бу ихчамлаштирилган символ, символ эса–кенгайтирилган образ деган фикрни айтган эди.² Демак, Роберта бадий образни бадий символга кўчириш орқали унинг ижтимоий – ғоявий имкониятларини ҳам кенгайтирган. Бадий асарнинг ижтимоий табиатини англашдаги ушбу приём бироз баҳсли эсада, символлаштирилган ҳар бир воқеа ёки образ тарихини Дмитрий Сергеевич Лихачов таъриф этган *ижтимоий озуқа манбаи* сифатида қабул қилсак бундай символларнинг тафтиш этилиши идеал ижтимоий фикрларнинг ҳаётга тадбиқ қилинишидаги энг муносиб йўл сифатида қадрланади.

Жонотан Куллер нуқтаи назарида “символ” кўп ҳолларда антитетезага асосланади.³ Христафор Мурфи Абдулла Қодирий романларидаги образларнинг исмларидан келиб чиқадиган мазмун асосида ҳам асарнинг

¹ Micallef Roberta Maria. The Role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction : The Case of Uzbekistan. USA: University of Texas, 1997. P.37-38.

² Н. Н. Рубцов. Символ в искусстве и жизни.- Москва: “Наука”, 1991б.- стр.46.

³ Jonothan Culler, Structuralist Poetics . Ithaca, New York: Cornell University Press, 1974.- P. 225.

ички моҳиятини англаш мумкинлигини қайд этади. Шунингдек, образга танланган исмларда характернинг индивидуал хусусиятларини тез суръатда, пинҳона ошкор қила олиши мумкинлигини таъкидлаб, Ж.Куллернинг биополяр зиддиятлар назарияси асосида қизиқарли кузатишлар олиб боради. Олимнинг таъкидлашича, «Ўткан кунлар» романидаги Жаннат ва унинг ўғли Содиқ образларига танланган исмлар уларнинг символик табиатига нисбатан контраст қўйилади, бу эса китобхоннинг турли хил йўллар воситасида бадиий асар замиридаги яширин мантиқни топишда индивидуал аҳамият касб этади.¹

Кўринадики, Х.Мурфи бу характердаги концепцияда образларнинг романлардаги семиотик элемент сифатидаги ўрнига алоҳида урғу беради. Дарҳақиқат, “Жаннат”, “Содиқ” каби исмларнинг маъноси мусулмон дунёсида ижобий характерга эга эканлиги ва уларнинг бадиий асардаги функцияси билан боғлиқ зидланиш муаллифнинг улар ҳақидаги фикрларини тўғри англаш имконини беради. М.Бехбудийнинг “Падаркуш” драмасидаги (Тангрикул, Давлат, Тошмурод), Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романидаги (Амир) образлар исмларининг *биополар зиддиятлар назарияси* асосидаги тадқиқотлар 100 йиллик ўзбек адабиёти намуналарида образлар исмларининг зидлантриш концепцияси мавжудлиги ва бу муайян анъана сифатида давом этганлиги кузатилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Америка олимлари XX аср ўзбек адабиёти намуналаридаги кўп қиёфаликка асосланган воқеликка таяниб, уни мукаммал тушунишнинг янгича йўлларини кашф қилади. Унда акс этган бадиий – ижтимоий ғояни тафтиш этиш, турли хил йўллар ёки фикрлилик асосида давр ва асар ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатиш Америка тадқиқотларидаги умумий хусусиятдир. Ўзбек сўз санъати намуналарини адабиётшунослигимизда нисбатан кам ўрганилган назариялар асосида тадқиқ

¹ Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University Press, P. 57.

килиниши хориж тадқиқотларидаги индивидуал концепциялар қийматини белгилайди.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ АМЕРИКА ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ НАЗАРИДА (Хулоса ўрнида)

Марказий Осиё халқларининг қадимий маданияти тарихи нафақат Шарқ балки Ғарб олимлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан тадқиқ қилиниб келинмоқда.

Хусусан, америкалик олимларнинг ўлкамиз билан боғлиқ изланишлари XX асрнинг 50 - йилларидан бошлангани кузатилади. Бу борада дастлабки тадқиқотлар Э. Олворт томонидан олиб борилган. Э.Олворт қаторида Э.Лаззериани, И. Сиртаутас, Э. Наби, Х. Мурфи ва А. Холидлар ҳам Марказий Осиё тарихий, маданий - маиший турмуш воқеалари билан боғлиқ тадқиқотлар яратган.

50 -70- йиллар оралиғида олиб борилган изланишларда асосий эътибор Туркистондаги ижтимоий - сиёсий жараёнларни тадқиқ этишга қаратилган эди.¹ Бу тадқиқотларда ўрганиладиган мавзуга субъектив муносабат кучли бўлиб, сиёсий ёндашиш тенденцияси етакчилик қилган.

Кейинги давр (70-90-йиллар) да яратилган тадқиқотларда бадиий асардаги ижтимоий – ғоявий, бадиий жиҳатлар синкретизм нуқтаи назаридан ўрганилганлиги кузатилади. Айни йилларда яратилган илмий асарларда адабиётнинг спецификасига ҳар томонлама ёндашиш билан бирга таълим – тарбиянинг ривожланишида маданий анъаналарнинг ўрни масалалари атрофлича тадқиқ қилинди.² Илмий мезонлар нисбатан чуқурлашганлиги,

¹ Қаранг: Allworth E. Uzbek Literary Politics.-The Hague: Mouton and Co.,1964; Allworth E. The Beginnings of the Modern Turkestanian Theater// Slavic Review.-23(1964),pp.676-687; Allworth E. Central Asian Publishing and The Rise of Nationalism.-New York: New York Public Library, 1965; Allworth E. Central Asian. A Century of Russian Rule/ ed. E. Allworth.- New York: Columbia University Press, 1967; Allworth E. Nationalities of the Soviet East Publication and Writing Systems.-New York-London: Columbia University Press, 1971; Lazzerini E. J. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia,1878-1914: (The dissertation written for taking Ph.D in philology).-University of Washington, 1973;

² Naby E.The Transitional Central Asian Literature: The Tajik and Uzbek Literary prose fiction from 1909 till 1932: Columbia University,1975; Murphy Ch. The Relationship of Abdulla

бадий асарлардаги қаҳрамонларга образ ва характер сифатида ёндашиш кучайганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақилликдан кейин яратилган тадқиқотларда нисбатан объектив фикрлаш қарор топди. Олдинги даврдаги каби фикрий қайтариқлар деярли учрамайди. Битта тадқиқот объектини атрофлича, ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш анъанаси етакчи ўринни эгаллаган ҳолда қўйилган масалага аналитик ёндашиш кузатилади.

Э.Олворт ўзбек адабиёти ва маданияти тадқиқи билан шуғулланган олимларнинг илк вакили бўлиши билан бирга мустақилликдан кейин яратилган энг кўп ва ҳажман катта тадқиқотлар муаллифи ҳамдир. Айниқса унинг Фитрат бадий ва илмий меросига бағишланган йирик тадқиқоти ўзига хос аҳамиятга эга.¹ Э.Олворт Фитрат асарларини даврлаштириш, тасниф қилиш ва уларнинг синхроник кўринишини тадқиқ қилишда муаллиф асарларида маданият ва унинг янгича моделларига мурожаат бошқа соҳалар орасида нисбатан етакчи рол ўйнаганлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, Фитрат асарлари билан боғлиқ 123 сарлавҳа маданият соҳаси билан туташ эканлигини ва у энг кўп 64.4 фоизни ташкил қилганлигини айтиб ўтади². Маданият жамиятнинг тугал бутунлиги негизи эканлигини яна бир бор эсга олсак Фитратнинг XX аср бошларидаги Туркистон халқи ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни ислоҳ қилишда вазиятни тўғри баҳолай олганлигига гувоҳ бўламиз.

Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University Press, 1980. Cirtautas I. The Continuing Importance of Autobiographical Writings in Eastern Turkic Literature//A paper presented at the 1981 Middle East Studies Association Annual Meeting.-USA, 1981.-P.65-76; Allworth E. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama//Ural-Altaic Year- book.-58(1986),pp.65-95; Allworth E. Modern Uzbeks.-Stanford: Hoover Institution Press, 1990;

¹ Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, 2000; Allworth E. Evading Reality. Devices of Abdarauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist.- Netherlandz: Brill Academic Publishers, 2002; Адиб Холид, The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia.- California University Press: Berkeley- Los Angeles- London.- 1998.

² Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, p. 34 2000;

АҚШ лик олимларни ўзбек адабиёти, маданият ва тарихининг хориждаги тарғиботчилари эканликларини қадрлаш баробарида улардаги субъектив фикрларнинг айримларига тўхталишни лозим топдик.

Қодирий ва Айний романларини қиёсий типологик жиҳатдан тадқиқ этган олима Эден Наби аср бошида ўзбек ва тожик адабиётида дидактик асарлар яратилишининг энг юқори чўққиси сифатида баҳолайди ва «Рахбари дониш», «Худосизлар» журналларида чоп этилган айрим қисқа ҳикояларнинг зерикарли ва такрордан иборатлигини айтиб, эътироз билдиргандек бўлади.¹

Марказий Осий адабиёти, мусулмон давлатларида амалга оширилган маданий ислохотларни тадқиқ қилган Адиб Холид 1915-20 йилларда яратилган асарларда «дидактика устунлик қилганлигини, жаид адабиёти панд – насиҳатни олға сурувчи ғоялар билан тўлиб тошгани, унинг дидактикага тобе бўлиб қолганлиги, оғзаки достончилик анъаналарининг кўп марта такрорланиши» ни таъкидлаб, хулосаларини Абдулла Бадрийнинг «Аҳмоқ» (Самарқанд: 1915), Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осон эмас» (1916) каби асарлари мисолида исботлашга ҳаракат қилади².

Э.Наби ва А.Холид XX аср бошларида яратилган айрим асарларга хос хусусиятни тўғри аниқлай олган. Лекин асарлардаги дидактика жиддий сабабларга асосланишини чуқур таҳлил этмаганлар.

Жаид адабиёти вакиллари яратилажак пьесаларнинг барчаси ё дидактика ёки руслар истилосига қарши курашиш асосига қурилиши керак деган фикрни олға сурган эдилар.

А.Холид яна бир ўринда XIX асрда Марказий Осиёда, одоб хушмуомаликнинг чегараси сифатида белгиланганлигини ва бу маданий асосларнинг ҳал қилувчи, асосий элементи бўлганлигини қайд этади.³

¹. Naby E. The Transitional Central Asian Literature: The Tajik and Uzbek Literary prose fiction from 1909 till 1932: Columbia University, 1975; 74 - 86

². Khalid A. The Politics of Muslims Cultural Reform. Jadidism in Central Asia.- Berkeley-Los Angeles-London: University of California Press, 1998.- p.128.

³. Адиб Холид, The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia.- California University Press: Berkeley- Los Angeles- London.- 1998.- p. 20.

Одоб билан бир каторда таълим ҳам дидактиканинг асосий компонентларидан биридир. Адабиёт эса маданий асосларнинг энг муҳим соҳаларидан эканлиги, бадиий ижод тарбиянинг асосий таркибий қисмлари билан узвий боғлиқликда яратилишини қайд этмоқ зарур. Дидактик мазмунни белгиловчи асосий хусусиятлар муайян адабий жанр тараққиётини таъминлашда индивидуал ўзига хослик касб этади. «Дидактика» педагогиканинг умумий таълим - тарбия методлари асосига қурилганлиги, бундай асарлар ижодкорнинг зеҳн мантиқи, интеллектуал салоҳиятини кўрсата олишда ва унинг индивидуал хусусиятларини намоиш этишда айроча аҳамиятга эга эканлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, дидактика ижтимоий - сиёсий муносабатларда, ғоявий-эстетик муаммоларнинг ечимини топишда, ёзувчи симпатиясининг ҳаёт ҳодисалари билан боғлиқ ақс эттиришида ҳам муҳим ўринга эгалигини таъкид этсак америкалик олимлар (Э.Наби ва А.Холид) нинг юқоридаги эътирозлари асоссиздек кўринади.

Тўғри, XX аср бошларида яратилган ва 1928 йиллардан кейин авж олган асарлардаги тавтологик, бадиий ғоявий жиҳатдан заиф асарларни биз ҳам оқламаймиз, бу маълум маънода даврдаги мафкура билан ҳам боғлиқ жараён. Аммо иккинчи бир жиҳатдан, мана шундай кичик, дидактик компонентлар асосига қурилган асарлар «Ўткан кунлар ва «Меҳробдан Чаён», каби бетакрор асарлар яратилишига маълум маънода асос бўлган дейишга ҳақлимиз. Чунки бадиий ижод тажрибаси тадрижи, ижодкор бадиий маҳоратининг ҳар жиҳатдан шаклланишини таъминлайди. Шунингдек, Марказий Осиё адабиётида дидактикага мурожаат қадимдан мавжудлиги ва унинг элементлари узоқ тарихга бориб тақалиши, бу Шарққа хос миллий менталитет, дунёқараш ва ахлоқ қоидалари меъёрлари билан боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур. Нафақат аср бошида балки бугун ҳам ўзбек сўз санъатида дидактикага мойиллик сақланиб қолганлиги ва келгусида яратилажак асарларда ҳам унинг шубҳасиз мавжуд бўлиши, адабий анъана сифатида давом этиб, Марказий Осиё халқлари адабиётида ўзига хос аҳамият

касб этиши ҳақидаги фикрлардан ҳам йироқ бўла олмаймиз. Албатта, Ғарб маданияти нуқтаи назаридан қаралганда дидактик асарлар ўз моҳиятини тўлиқ ифодалай олмаслиги билан бирга, муайян бадиий шакл сифатида ҳам ўзини оқламайди, чунки буларнинг барчаси Шарқ ва Ғарб ўртасидаги тафаккур тафовути, менталитет, ва шахснинг индивидуал қарашлари билан боғлиқ бўлади..

Миллат раънақининг асоси таълим - тарбия эканлигини англаган жаҳидлар ҳам ислохотни мактаблар қуришдан бошлаганлиги маълум. Жаҳид адабиётининг маданий – ижтимоий, адабиёт соҳасида чуқур мулоҳазага эга бўлган пешқадам вакиллари ҳам жаҳолатни қоралаганлар ва асарларида нодонликка қарши қурашганлар. Фитрат асарларидаги ўзига хослик муаллифнинг фикр ва идроқи, индивидуал ўтмиши ва темпераменти асосида кашф қилинган. Унинг ҳаётий тажрибаси, билим салоҳияти асарларидаги ўзига хос чуқур фикрларни яратилишига асос бўлган.¹

Демак таълим тарбия – дидактиканинг асосий хусусиятларини сиқик нуқтаи назар билан, юзаки таҳлил этиш керак эмас.

Шу ўринда таълим тарбия меъёрларининг бузилиши ижтимоий-сиёсий, маданий инқирознинг илдизи эканлигини, отасининг ўлимига сабабчи қотил ўғил – Тошмурод (М. Бехбудий «Падаркуш») нинг аянчли қисмати ва яна минглаб миллат фожияларининг асосида ҳам таълим - тарбияга лоқайд муносабатда бўлиш ётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Демак юқоридаги фикрлар асосида ўзбек адабиётида дидактиканинг қанчалик муҳим эканлигига, унинг шарқ халқлари адабиёти тараққиётида объектив тарихий қонуният сифатида яшаб келаётганлигига яна бир бор иқрор бўламиз.

Ўз халқи ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни таълим - тарбия, маданият ва санъат орқали амалга оширилиши мумкинлигини англаб етган Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси ҳам жаҳолатнинг илдизлари, нодонлик сабаб жиноятни

¹. Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, 2000.- p. 12.

содир бўлишига сабабчи бўлган кишиларнинг даҳшатли қисмати ҳақида башорат берувчи асари эди. Драмадаги мотивлар жамият ҳаётида таълим ва тарбияни кучайтириш, жиноят ва жазо, мажбурият ва жавобгарлик ўртасидаги боғлиқликка ишончни камраб олишда асосий (бош) ижтимоий восита бўлган.¹

Агар жамиятнинг кичик бўлаги ҳисобланмиш оилада одоб, ахлоқ ёки таълим чегараси бузилиб, одатий мувозанат йўқолса бу оила фожиага юз тутди. Мана шу ҳолат бутун бир миллат, жамият ҳаётида содир бўлса жуда катта тартибсизлик, маданий ижтимоий, шунингдек сиёсий инқироз вужудга келиши муқаррар эканлигини, ва ҳатто Туркистон давомчиларининг фожиага юз тутиши оқибатида миллатнинг тамоман тугатилиш каби даҳшатли оқибатларни яна бир бор эслатиш жоиз.²

Демак, америкалик олимларнинг Марказий Осиё адабиёти, маданияти тарихини ўрганиш жараёнидаги жамиятнинг кичик гуруҳларидан катта гуруҳларигача бўлган халқи равнақи айнан маданият ва унинг бошқа муҳим асосий соҳалари билан чамбарчас боғлиқ қабилидаги хулосларини тўғри деб таъкидлаймиз. Айниқса Э.Олворт, А.Холиднинг «Падаркуш» драмаси, Х.Мурфи, Э.Набининг А. Қодирий роман («Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён») лари билан боғлиқ таҳлиллари индивидуаллашган хусусиятга эга эканлиги билан таҳсинга лойиқ. Аммо айрим ҳолатларда хорижлик олимлар маданиятимиз тарихи хусусида фикр билдираётган пайтда субъектив хулосаларга ҳам йўл қўяди, бунинг сабабларини уларнинг ғарбона тафаккури, ижтимоий - сиёсий мақсади, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги узок масофа ва энг муҳими Шарққа хос маданий элементларнинг этник яшаш тарзи билан боғлиқ моҳиятларни тўғри англаб ета олмасликлари билан боғлаш мумкин. Уларнинг маданият, адабиётимиз тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар олиб боришлари аввало маданиятимиз ва адабиётимизнинг

¹. Allworth E. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama//Ural-Altaic Year-book.-58(1986),pp.65-95.

². Қаранг: Мирзаева З. Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши.- Фил.фан. ном..дисс.- Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2007.- 140 б.

халқаро майдонда ўзига хос мавқеи борлигини исбот этса иккинчи жihatдан, аждодлардан қолган бетакрор мерос хорижлик олимларни ҳам эътиборсиз қодирмаётанлиги кўнглингда шараф ва ғурур уйғотади.